



Дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик

Бишкек, 5 сентябрь.

ЎЗА махсус мухбири Абу Бакир ҲУРОЗОВ хабар қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг таклифига биноан 5 сентябрь куни давлат ташрифи билан ўшбу мамлакатга келди.

Бишкек шаҳридаги «Манас» халқаро аэропортида мамлакатимиз Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарини Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев кутиб олди. Икки давлат байроқлари билан безатилган аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдиран ўтди.

Сўнги вақтларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги аънанавий ҳамкорлик янада бойиб, ўзаро алоқалар сезиларли равишда фаоллашди. Давлат раҳбарларининг олий

даражадаги учрашувлари, ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар ташрифи амалга оширилди.

Халқларимиз азалдан бир дарёнинг икки қирғоғида, яқин қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз умумий, маданий ва диний қадриятларимиз муштарак, аънава ва урф-одатларимиз ўхшаш. Машҳур адиб Чингиз Айтматов айтганидек, «Халқларимизнинг қони бир, тили бир».

Бишкек шаҳридаги Ала-Арча қароргоҳида Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истикболлари, мамлакатларимизнинг чегараолди ҳудудлари алоқаларини фаоллаштириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Президентимиз Қирғизистон Республикаси Президентига самимий қабул ва Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдирди.

Халқларимиз ўртасида тарихан шакланган қардошлик ва аҳил қўшничилик муносабатларини юксак қадрлаймиз. Айнан мана шу муносабатлар икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Алмазбек Атамбоев Шавкат Мирзиёевни Қирғизистонга давлат ташрифи билан кутлаб, бу икки давлат ўртасида олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми, томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қулай имконият эканини таъкидлади. Икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини қайд этди.

(Давоми 2-бетда.)

Самарқанд шаҳрида 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислоҳ Каримовнинг ҳайкали тантанали равишда очилди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиши ва нутқ сўзлаши барча самарқандликларни тўққинлантириб юборди.

Буюк инсонга юксак эҳтиром рамзи

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Биринчи Президентимиз бутун Ўзбекистонимиз каби, унинг бебаҳо гавҳари бўлган Самарқанд заминини фарзандлик меҳри билан чин дилдан севар эди. Самарқандни дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига, ҳақиқатан ҳам ер юзининг сайқалига айлантириш йўлида улкан ишларни амалга оширди.

— Қарийб уч минг йиллик тарихга эга Самарқанд ўз ўтмиши давомида кўп воқеаларга гувоҳ бўлган, вайронагарчилик ва бунёдкорликларни бошдан кечирган, — дейди «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси Ҳ.Нормуродов. — Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқанд нафақат қудратли давлат пойтахти, балки илм-фан ва маданият маркази сифатида дунё миқёсида довуқ қозонди. Темурийлардан сўнг бу шаҳар бошига яна кўп кулфатлар тушган бўлса-да, орадан олти аср ўтиб шу заминнинг асл фарзанди, буюк бунёдкор Ислоҳ Каримов Самарқанднинг шухратини оламга ёйди.

(Давоми 3-бетда.)

Янги институтда янги марралар сари

Президентимизнинг 2017 йил 27 июлдаги «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳудуддаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллар бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлашни яхшилашга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Куни кеча мазкур олий таълим муассасасида янги ўқув йилининг бошланишига бағишланган тадбирда қатнашган олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, илк талабалари, ҳудуддаги таълим муассасалари, кенг жамоатчилик вакиллари буни алоҳида эътироф этишди.

(Давоми 2-бетда.)

Биринчи дарс

Мустақиллик ва Хотира дарслари билан бошланди

Ёз бўйи сокинлик оғушида тин олган мактаблар яна болаларнинг шодон қийқириғи билан тўлиб-тошди. Янги ўқув йилининг илк соатлари «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остидаги «Мустақиллик дарси» ва «Хотира дарси» билан бошланди.

(Давоми 5-бетда.)


 Газетани
варақлашганда:

**Амалиётда ишончни
оқлаган ўқувчилар**

 ўқишни битиргач, корхоналарда
ишга олиб қолинапти

7-бет

**«Уюшмаган ёшлар»
фаол қатламга
айланиши зарур**

8-9-бетлар

**Зўрлардан зўр чиққан
ўзбек ўғлонлари**

 Германиядан юртимизга ёруғ
юз билан қайтиб келди

15-бет

ДЎСТЛИК ВА ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари музокаралари расмий делегациялар иштирокида давом эттирилди.

Музокараларда икки ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси асосий йўналиш сифатида устуворлик касб этади. Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг ўтган йил декабрь ойида Самарқандга ташрифи бугунги мулоқотларга деб-бача бўлиб, музокаралар «Самарқанд учрашуви руҳи» асосида давом эттирилди.

2017 йилнинг ўтган даврида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 60 фоиз ўсди.

Учрашувда Президентлар сув ресурсларидан давлатларимиз умумий манфаатларига мос равишда оқилона фойдаланиш борасида ҳам келишиб олди.

Икки давлат раҳбарлари аввалги мулоқотларида минтақада самарали транспорт йўллари ривожлантириш, Қирғизистон ҳудуди орқали Хитой билан боғлайдиган қисқа масофали темир йўл барпо

этиш бўйича музокаралар олиб борган эди. Бу галги учрашувларда унинг ҳуқуқий асосларини яратишни жадаллаштириш бўйича келишиб олинди.

Қисқа вақт ичида ҳудудларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Қирғизистоннинг Баткен, Жалолобод, Ўш вилоятлари вакилларининг Андижон шаҳрига, Ўзбекистон делегациясининг Ўш шаҳрига ташрифи амалий натижалар тасдиғидир.

Президентимиз шартномавий мажбуриятларни амалиётга изчил татбиқ этиш мақсадида чегараолди ҳудудларда Ҳокимлар кенгаши тузишни тақлиф қилди.

Икки давлат ўртасида маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорлик, дўстлик ва қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, жорий йил февраль ойида Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек мусикали академик драма театрининг Фаргона водийсига ижодий сафарини, июнь ойида эса Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри жамоасининг Ўш, Ўзган, Аравон, Новқат, Қорасув, Жалолобод шаҳарларига ижодий сафарини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон кўмагида Ўш шаҳрида қурилаётган умумтаълим мактаби халқларимиз дўстлигининг

ёрқин намунаси бўлди. Мазкур мактаб замонавий ўқув жиҳозлари ва анжомлари, дарсликлар, бадиий адабиётлар билан таъминланади.

Жорий йил октябрь ойида Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари, 2018 йил Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунларини ўтказишга келишиб олинди.

Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида Қирғизистон вакиллари муваффақиятли иштирок этиб, иккинчи ўринни қўлга киритди.

Бугун Ўзбекистонда 300 мингга яқин қирғиз миллатига мансуб юртдошларимиз истиқомат қилади. Уларнинг ўз маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. 6 та қирғиз миллий маданий маркази фаолият кўрсатмоқда, 56 мактабда таълим қирғиз тилида олиб борилди.

Музокаралар ўзаро муносабатлар изчил ривожланаётгани ва устувор йўналишлар бўйича ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканини ёрқин намоён этди.

Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот ва Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегараси тўғрисида шартномани имзолади.

лар. Андижон ва Ўш, Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида, икки давлат Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Солиқ қонунчилигига риоя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида, Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро, илмий-техникавий ҳамкорлик, Олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Чегарадош минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича 2017–2019 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси, Парламентлараро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва амалий руҳда ўтганини, эришилган тарихий келишувлар Ўзбекистон Қирғизистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги bosқинга кўтаришини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА


Янги институтда янги марралар сари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу йил институтга 21 таълим йўналиши бўйича 750 нафар абитуриент қабул қилинди. Уларнинг барчаси Тошкент давлат педагогика университети ҳамда қатор турдош олий таълим муассасаларига етарли кириш балани тўплай олмаган Тошкент вилоятида доимий рўйхатда турган ёшлардан иборат бўлиб, абитуриентларни саралашда улар яшаётган туманда педагогларга эҳтиёж мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили ва адабиёти йўналишига 152,2 балл билан киролмадим, — дейди Шаҳло Эргашбоева. — Бор-йўғи беш балл етмади. Учинчи йил ўқишга топшираётганим учун руҳим тушиб кетганди. Вилоятимизда шундай олий ўқув юрти ташкил этилганини ва унга қабул қилинганини билганимдан сўнг келажакка ишончим янада ортди. Давлатимизнинг биз ёшларга катта умид билан қараётгани, бахтли келажакимиз учун барча шароитни яратётгани қалбимизда бугунимиздан розилик ва шукроналик туйғусини мустаҳкамлайди.

Айни пайтда институтда 3 факультет ва 6 кафедра иш бошлади. Кейинги йиллардан яна 8 факультет очилиши кўзда тутилган.



Олий таълим муассасаси педагоглар таркиби ҳам малакали профессор-ўқитувчилардан танлов асосида шакллантирилди.

— Институтимизда асосий эътибор педагогик таълимни ривожлантиришнинг методик вазифаларини ҳал этиш, илгор педагогик технологияларни жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда иқтидорли талабаларни илмий-педагогик фаолият билан шуғулланишга кенг жалб қилишга қаратилган, — дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Баҳодир Хусанов. — Педагогика фани бўйича миллий ва хорижий таълим муассасалари тажрибаси, иш берувчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув-услубий

мажмуаларни яратиш, ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланиш жараёнига мутахассисларни жалб этиш мақсадида республикамиз ва хориждаги етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилган бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Юртимиздаги таълим муассасалари учун юқори малакали педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, педагогика соҳасида илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ўзлаштириш, самарали замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг жорий этиш орқали илмий салоҳиятни ошириш институтимизнинг мавқеини белгиловчи муҳим мезон



ҳисобланади. Шунингдек, Чирчиқ давлат педагогика институтининг ўзига хос маърифий қиёфасини яратиш, уни республикамиздаги нуфузли олий таълим муассасаларидан бирига айлантириш, илмий салоҳиятини юксалтириш ва талабаларимизни билимли, ватанпарвар қилиб тарбиялаш институтимиз жамоасининг асосий мақсадидир.

Чирчиқ давлат педагогика институтида махсус сиртки таълимни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, Тошкент давлат педагогика университети билан ҳамкорликда сиртки таълим йўналишлари бўйича малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Махсус сиртки бўлимда ўқиш бўйича му-

рожаат қилган фуқароларнинг саволларига жавоб бериш, улар билан тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда маслаҳатлар бериш мақсадида институтда махсус ишчи гуруҳ ташкил этилиб, бу гуруҳга тажрибали педагоглар жалб қилинди.

Институтнинг махсус сиртки бўлимида талабаларга дарс машғулотларини олиб боришда илгор хорижий тажриба, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг масофавий таълим шаклини жорий қилиш бўйича режа ишлаб чиқилмоқда.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири
Б.РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

2017-yil 6-sentabr, № 71 (9032)

Буюк инсонга юксак эҳтиром рамзи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ шаҳарда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Бу саъй-ҳаракатлар аввало, собиқ тузум даврида халқимиз қалбидан хотирасини ўчиришга уринилган Соҳибқирон Амир Темури номига улуғлаш, буюк аждодимиз хотирасини унинг шаъну шавкатига муносиб тарзда ўз ўрнига қўйиш билан бошланди. Одамлар кўзидан яшириш мақсадида турли бино ва иншоотлар орасида қолиб кетган Амир Темури мақбараси атрофи обод қилиниб, кўркам хиёбон ташкил этилди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг ғоя ва ташаббуслари асосида Соҳибқирон бобомизнинг улуғвор сиймоси акс этган ҳайкали ўзи бунёд этган обдаларга мамнун боқиб тургандек ўрнатилди. Улуғ Юртбошимиз Регистон майдони атрофи, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуи, Имом Мотуридий, Ҳазрати Хизр зиёратгоҳлари ва шаҳарнинг бошқа ҳудудларида ҳам бундай бунёдкорлик ишлари бош-қош бўлди. Бугун Регистон майдони ёнида у кишига ўрнатилган ҳайкалга қараб, Ислам Каримов ҳам ўз она шаҳрини янада обод қилиб, бағрикенг ва бунёдкор халқимизга буюк келажакни барпо этишда руҳий мадад бериб тургандек туюлди назаримизда.

Буюк йўлбошчимиз сиймоси акс этган ҳайкал ўрнатилганидан бундан бунёдкорликимиз, хорижлик меҳмонлар билан янада гавжум. Улар Ислам Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйиб, улуғ инсон хотирасига ҳурмат-эҳтиром бажо келтирмоқда.

— Кеча телевизиорда Самарқандда Ислам Каримов ҳайкали очилиш маросимини кўриб, ушбу масканни зиёрат қилиш, Биринчи Президентимизни ёд этиш учун келдик, — дейди Сурхондарё вилояти Қизириқ туманида яшовчи

Холбой Мардаев. — Дунёга машҳур Регистон майдонига муносиб, улуғвор ҳайкал бўлибди. Буюк Юртбошимиз ҳайкали пойи гулларга тўлиб кетгани, бу ердан кишилар қадами узилмаётгани халқимизнинг у кишига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, хотирасига юксак ҳурмат-эҳтироми ифодасидир. Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин бугунги ва келажак авлодлар Ислам Каримовни Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатнинг асосчиси, узоқни кўра олган доно сиёсatchи сифатида ёд этади.

— Ҳайкалнинг очилиш маросимида Президентимиз Шавкат Мирзиёев биз — ҳаммамиз, эгалаб турган вазиғамиз, касбимиздан қатъи назар, ўзимиз фаолият кўрсатаётган соҳада Ватанимизга, халқимизга, Биринчи Президентимизга доимо муносиб бўлишимиз керак, деб таъкидлади, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши фаоли Фарангиз Худоёрова. — Бу фикрлар, айниқса, биз, ёшлар зиммасига жуда катта масъулият юклатди. Чунки Биринчи Президентимиз бизни фарзандларим, дер эдилар, бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз учун барча шароит ва имкониятларни яратиб, маррани баян олиб яшашга даъват этардилар. Фарзандлар ота-оналари ишончини оқлаш, улар шаънини ҳимоя қилишга интилгани каби биз ҳам Ислам Каримов фарзандлари деган номга муносиб бўлишимиз, у киши бошлаган ишларни давом эттиришимиз ва Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ишончини оқлашимиз лозим.

Ҳайкал ўрнатилган майдонга Самарқанд шаҳридаги таълим муассасалари ўқувчилари, талабаларнинг саёҳати уюштирилиб, Биринчи Президентимизнинг ибратли ҳаёти, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги қўшқин фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб берилмоқда.

F. ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Ишонаман, Ислам Абдуганиевичнинг муҳташам ҳайкали қад ростлаган ушбу қутлуғ маскан халқимиз, барча ёшларимиз учун Ватанга юксак меҳр ва садоқат кўрсатиб яшашнинг чинакам тимсолига айланади, катта тарбия ва ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

... Ватанимиз пойтахти. Оқсарой қароргоҳига туташ сўлим маскан бағрида Биринчи Президентимиз, қалбимиздан чуқур жой олган олижаноб инсон Ислам Каримов ҳайкаlining бунёд этилиши барча юртдошларимизни бирдек қувонтирди. Ҳайкалнинг очилиш маросимини телевизор орқали кузатиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тадбирда сўзлаган нутқини тинглар эканман, юрагим фахр ва ифтихорга тўлди. Ана шу туйғу билан буюк йўлбошчи ҳайкаlining зиёрат қилишга ошиқдим.

Йўл-йўлақай бахтиёрликдан масрур

фориг бўлгандекман. Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Искандар қишлоғида яшайман. Тошкентда Ислам Каримовга ҳайкал қўйилганини эшитдим, ишонасими, кендан кенг далаларга сиймай қолдим. Тезроқ пойтахтга етиб келгим, Биринчи Президентимиз ҳайкаlining зиёрат қилгим келди. Юрагимнинг тафти босилди, қизим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ислам ота бошлаган ишларни садоқат ва сидқидиллик билан давом эттираётгани элимизнинг бахтидир. Ёшим бир жойга етган бўлсада, бу ерга келиб ҳали қиладиган иш-

Ватанга садоқат ТИМСОЛИ

чехралар билан юзлашиб, барпо этилаётган бир-бирдан муҳташам бинолар, ям-яшил дов-дарахтлар оралаб, ранго-ранг гулларга бурканган хиёбонлар бўйлаб борарканмиз, Ўзбекистонимизнинг дунё харитасидан муносиб жой олиши, мамлакатимизда эришилган барча улкан муваффақиятларда Ислам Каримовнинг хизматлари бемисл эканини такрор ва такрор эътироф этдик.

... Мана, мустақиллигимиз асосчиси бўлган улуғ зотга қўйилган ҳайкал. Чоратрофда кўнгилларга ҳузур бағишловчи сокинлик ҳукмрон. Улуғ ишлар сари салобат билан одимлаётган Ислам Каримовнинг лаблари нималардир демоқ учун жуфтлангандек гўё. "Эзгу ишлар сари шайланган, зотан, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир!". Шу дам минбарлардан неча бора айтилган ушбу пурмаёмо гаплар қулоғим остида жанангандек бўлди. Киприкларимиз намини артиб, биз сингари дийдорга талпинган юртдошларимиз сўзига қулоқ тутамиз.

— Ўтган йили 2 сентябрь кuni тарқалган машъум хабардан вужудимда номсиз бир дард пайдо бўлиб, ойлар ўтса-да бу оғриқ ҳеч тарқамасди, — дейди оппоқ соқоли ўзига ярашиқли Ўктам ота Эшонқулов. — Ҳозир элу юрт меҳри билан бунёд этилган бу ҳайкални кўриб ана шу азобдан

ларим кўплигини, ёшлар тарбияси, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг улкан вазиғамиз эканини янада теравроқ идрок этдим.

Тошкент молия институти талабалари Исламжон Расулов, Умиджон Жўраев, Раҳмонали Ёқубов, Муҳаммадзоҳир Азимжонов ҳам мамлакатимизнинг Биринчи Президенти хотирасига ўз ҳурмат ва эҳтиромларини бажо этиш учун бу масканга келишган.

— Ҳар бир миллатнинг ўз буюк сиймолари бўлади. Улар босиб ўтган йўл эса ёш авлод учун сабоқ, мактаб вазиғамини ўқитади, — дейди дўстларимнинг ҳам фикрларини муштарак қилиб Муҳаммадзоҳир. — Ислам Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти биз учун ана шундай намуна, ибратдир. Чунки ҳозир ҳайкал пойига гулдаста кўяр эканмиз, "Одамизод аввало, эл-юрт манфаати учун хизмат қилиши шарт. Бу йўлда эса ҳар бир дам ганимат. Ёшларнинг униб-ўсиши учун Ўзбекистондек кенг имкониятлар яратилган гўша қаерда бор..." деган бурчдорлик ҳисси юрагимизнинг туб-тубига "ин қурди". Бу бизни ҳаммаша шу миллат, шу юрт равнақи йўлида бор истеъдодимиз, имкониятларимизни сафарбар этишга рағбатлантириб туради.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
журналист

Илмий педагогик кадрлар тайёрлашда муҳим қадам

Мамлакат тараққиёти ва ёш авлод камолотида изланувчан, халқроқ миқёсда фикрлайдиган фан, таълим ходимларининг ҳиссаси катта. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони юртимизда илм-фанни ривожлантириш, айниқса, илмий, илмий педагогик фаолиятга кириб келаётган ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур меъёрий ҳужжат Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, иқтисодий тармоқларнинг ривожланиш суръатларини жадаллашти-

риш, фан тараққиёти ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга ҳам кенг имконият яратяди.

Айни пайтда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларини рақобатбардош кадрлар билан таъминлашга қаратилган эътибор ҳамда юқори малакали педагог ва илмий кадрларни тайёрлашга талабаларнинг кун сайин ошаётгани "Истеъдод" жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш нечоғлик зарур эканини кўрсатади.

Фармонга мувофиқ жамғарма номининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш "Истеъдод" жамғармаси" деб ўзгартирилгани ҳам илм-фан тараққиёти йўлида излаётган ёш тадқиқотчилар учун рағбатлантирувчи аҳамиятга эга экани

ни илм-фан намоёндалари эътироф этмоқда.

Шунингдек, фармонда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари учун дунёнинг етакчи илмий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрна-

Munosabat

тиш, ўқув жараёнига замонавий таълим стандартларига асосланган педагогик технологиялар, ўқув дастурларини татбиқ этиш ҳамда малака ошириш курсларида хорижий таълим муассасаларидан малакали ўқувчиларни жалб этишнинг назарда тутилгани таълим соҳасида миллий ва умуминсоний кадрлар уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу фармон туфайли иқтисодийнинг турли тармоқлари, давлат ва жамият тизимининг иқтисодий мутахассислари, илмий кадрлар ҳамда

иқтисодий ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, энг муҳими, илгор тахрибани эгаллаши учун нуфузли анжуманлар, олимпиадалар ва танловларда иштирок этишига имкон яратилади.

Хорижий мамлакатларда малака оширган мутахассислар, илмий педагогик кадрлар ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олган шахслар анжуман, семинар, маҳорат дарслари ва бошқа тадбирларни ташкил этиши орқали илгор тахриблар ҳамда педагогик технологиялар кенг оммалаштирилади. Жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш масалалари ечим топади. Яъни, иқтисодийнинг турли тармоқлари, давлат ва жамият тузилмаларидаги иқтисодий мутахассислар, педагог ва илмий кадрларнинг хорижда малака ошириш, ста-

жировка ўташ жараёнида олган замонавий билим ва кўникмаларини амалиётга жорий этиши ҳам илм-фаннинг жамият тараққиётидаги ўрнини янада юксалтиради.

Президентимизнинг ушбу фармони иқтисодийнинг барча тармоқларини янада тараққий эттириш, давлат ва жамият ҳаётини модернизация қилиш ва эркинлаштириш жараёнини жадаллаштириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, замонавий илм-фаннинг илгор ютуқлари ҳамда инновацион технологияларни мукамал ўзлаштирган истиқболли мутахассисларни етиштириш, педагог кадрлар ва иқтисодий ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

M. ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

Янги ўқув йили янгиликлари

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизими жадал суръатларда ривожланмоқда. Ҳар ўқув йилида ўқув муассасалари ҳаётига татбиқ этилаётган ўнлаб янгиликлар бундан далолат беради. 2017-2018 ўқув йили ҳам янгиликларга бой бўлаётми.

• Янги ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-синфига 650 минг нафар ўқувчи қабул қилинди. Уларнинг барчасига 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат Президент совғаси топширилди.

• Бу йилдан 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта тикланмоқда. 12 та фан бўйича ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилди. Умумтаълим мактабларининг 10-синф ўқувчилари ҳафтада 5 кун умумтаълим фанларини ва 1 кун (6 соат) касбий фанларни ўрганади. Шу боис касб-хунар коллежларидан узоқ масофада жой-

лаш ҳақидаги 140-сонли қарорига кўра, янги ўқув йилидан эътиборан синфда ўқувчилар сони 35 нафардан ошмаслиги қатъий белгиланди.

• Компетенциявий ёндашувга асосланган янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, шу йилдан эътиборан амалиётга татбиқ этилмоқда. Янги ДТС асосида умумтаълим мактабларининг 1-, 4-, 6-, 7-, 10-синф ўқувчилари учун 43,9 миллион нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, таълим муассасаларига етказилди. Мазкур мажмуаларнинг бир қисми элек-

Ўрта махсус, касб-хунар таълими

Жойларда ота-оналар ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш натижасида шу йилдан умумтаълим мактабларининг 466 минг нафар 9-синф битирувчисидан 352 минг нафари 10-синфда, 114 минг нафари академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш ниятида экани аниқланди.

Шу кунга қадар 1551 ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси (122 академик лицей, 1429 касб-хунар коллежи ҳамда 37 касб-хунар коллежи филиали) мавжуд эди, мактабларда 10—11-синфларнинг очилиши туфайли улар сони қисқарди. Жумладан, 193 академик лицей ва касб-хунар коллежи бинолари Ўзбекистон ёшлар иттифоқига берилди, 7 тасида янги 3 та олий таълим муассасаси филиали, 1 та олий таълим муассасаси, Таълим сифатини назорат қилувчи инспекция ташкил этилади.

Президентимизнинг соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга доир қарор ҳамда фармонларига асосан касб-хунар коллежлари тармоқ вазирликлари ва давлат қўмиталарига бириктирилди. Жумладан, истиқболда зарур бўладиган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига 132, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига 27, олий ҳарбий таълим муассасаларига кадрлар тайёрлаш учун Мудофаа вазирлигига 29, Ички ишлар вазирлиги ёнги хавфсизлиги тизимига 15, Автомобиль йўллари давлат қўмитасига 4, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига 6, шу билан бирга, янги ташкил этилган Ғиждувон, Ургут, Ҳазорасп, Қўқон эркин иқтисодий зонасининг ҳар бирига 1 тадан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси бириктирилди. 2 та касб-хунар коллежи ва 12 та академик лицей базасида Ички ишлар вазирлигининг 14 та академик лицейи ташкил этилди.

Президентимизнинг шу йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг шишироқини янада кенгайтириш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида таъкидланганидек, келгусида ўқув-методик ва моддий-техника базаси замонвий талабларга жавоб бермайдиган, олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган академик лицейлар тугатилиб, фақат юқори илмий ва педагогик салоҳиятга эга олий таълим муассасалари таркибидан биттадан академик лицей қолдирилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 апрелдаги "Ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал ташкирлаш ишларини 2017 йилда ташкил этиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида"ги қарорига биноан бу йил 10 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини реконструкция қилиш ва мукамал ташкирлаш белгиланганди. Айни пайтда уларнинг 9 таси фойдаланишга топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кўра, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини дарсликлар билан ижара тизими асосида таъминлаш тартиби жорий этилди. Мазкур фармойишда академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш истагини билдирган ўқувчилар учун 12 номдаги умумтаълим фанларидан дарсликлар 100 фоиз нашр этилиб, ижара тизими асосида етказиб берилиши кўрсатилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари буюртмасига асосан 2017-2018 ўқув йилида умумқасбий ва махсус фанлардан 244 номдаги дарслик ва ўқув қўлланма нашр этилмоқда. Шундан 47 номдагиси янги авлод ўқув адабиётлари ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим

лашган 2703 та мактаб учун нисбатан қулай ҳудудда жойлашган 1103 та мактабда, қолган 6956 та мактаблар учун 615 та коллежда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси ташкил этилди. Эндиликда юқори синф ўқувчилари бу мажмуаларда 20 дан ортиқ касб-хунар сирларини ўрганишади.

• Таълим тизимидаги яна бир янгилик — ҳудудларда методист ўқитувчилар мактаби ташкил этилгандир. Мазкур мактаблар хорижий ва миллий илгор педагогик тажрибаларни ўрганиб, методик тавсиялар ишлаб чиқади, ҳар бир фандан янги дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, электрон ахборот таълим ресурслари ва методик тавсияларни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлайди.

• Янги ўқув йилида умумтаълим мактабларида 22 минг ставка ўқитувчига эҳтиёж тўғилди. Шундан 9,5 минг ставкаси олий таълим муассасалари битирувчилари, 13 минг ставкаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларини жалб этиш ҳамда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг дарс юкламасини ошириш ҳисобидан қoplanмоқда.

• Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги қозони тасдиқ-

трон ўқув қўлланмалардан иборат.

• 2017 йилги Инвестиция дастури доирасида 484 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориш (12 та янги мактаб қуриш, 320 та таълим муассасасини капитал реконструкция қилиш ва 152 тасини капитал таъмирлаш) белгиланган. Шунингдек, 1 та янги МТМ қуриш, 105 тасини капитал реконструкция қилиш ва 195 тасини капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Янги ўқув йили олдида ушбу объектларнинг аксариятида бунёдкорлик ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.

• Тизимда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, ўғил-қизлар истеъдодини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Нукус шаҳрида Ибройим Юсулов, Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф, Қарши шаҳрида Абдулла Орипов, Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ташкил этилиб, уларга иқтидорли ўқувчилар саралаб олинди.

• Ўқувчи-ёшларнинг маънавиятини бойитиш мақсадида ахборот-ресурс марказлари ва умумтаълим мактаблари кутубхоналарига 28 номдаги жами 1,2 миллион нусха бадиий адабиётлар, энциклопедия ва қўлланмалар етказиб берилди.

Олий таълим

Президентимизнинг шу йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан олий таълим тизимини тубдан тақомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш мазмунини қайта қўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш бўйича энг муҳим вазифалар белгиланди. Унга кўра, 2017-2021 йилларда 53 та олий таълим муассасасининг 400 ўқув лабораторияси босқичма-босқич замонвий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланади, 7 та олий таълим муассасаларида лаборатория ташкил этилади.

тишинг асосий тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилувчи кадрлар тайёрлаш учун бу етарли эмас эди. Шу боис Термизда Тошкент давлат техника ва Тошкент давлат аграр университетлари филиалларининг ташкил этилгани сурхондарёлик ёшларни мамнун этди.

Маданиятшунослик ва санъатшунослик йўналишида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилди.

Тошкент ирригация ва мелiorация институти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига, Наманган муҳандислик-педагогика институти Наманган муҳандислик-қурилиш институтига айлантирилди ҳамда ихтисослиги ўзгартрилди.

Янги ўқув йилидан олий таълим муассасалари талабалари мутлақо янги, касб-классификаторимизда илгари мавжуд бўлмаган 6 бакалаврият йўналиши ҳамда 8 магистратура мутахассислиги бўйича тахсил ола бошлайди.

2017-2018 ўқув йилидан Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда Тошкент давлат педагогика университетидан сиртки таълим таъриба-синов тариқасида масофавий ўқитиш элементларини қўллаган ҳолда олиб борилади.

Бу йилдан тиббиёт таълимида даволаш иши, тиббий-қасбий таълим, педиатрия

иши бакалаврият йўналишларида ўқиш муддати 7 йилдан 6 йилга қисқаради. Олий таълим муассасаларидаги баҳолаш мезони 100 баллик тизимдан 5 баҳолик тизимга ўзгартрилади. Мамлакатимиз олий таълим муассасалари орасида биринчи бор Тошкент давлат юридик университетида кредит тизими жорий этилади.

Жорий ўқув йилида кадрлар тайёрлаш сифати ва мазмунига алоҳида эътибор қаратиш мақсадида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилди. Шунингдек, маънавий-маърифий ишлар янги босқичга олиб чиқилади. Янги ўқув йилидан бошлаб фаолият самарадорлиги ва масъулиятни янада ошириш, мунтазам рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш мақсадида гуруҳ мураббийлари(жумладан, мураббийлар кенгаши раҳбарлари)га ойлик маошининг 25 фоизига-ча миқдорда устама тўланади.

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Нукус шахрида Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига сафари чоғида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати қурилиши билан танишган ва лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар берган эди.

Ўтган қисқа вақтда қурилиб фойдаланишга топширилган мазкур мактабда ўқувчиларнинг замонавий таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрамига муносабат билан давлат умумтаълим мактаб-интернати 216 ўқувчига мўлжалланган. Муассасада 100 ўринли ётоқхона, ошхона, спорт зали, лаборатория, кутубхона, ахборот технологиялари хонаси замонавий жиҳозланган. Турли тиллардаги адабиётларни қорақалпоқ тилига таржима қилиш бўлими, китоблар чоп этиш учун мўъжаз bosмахона фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

❖ Чуст туманида уй-жойга муҳтож, имконияти чекланган фуқароларнинг бир гуруҳига янги барпо этилган кўп қаватли арзон уйлardan хонадонлар калити тантанали равишда топширилди.

Жорий йилда Наманган вилоятида йигирмага яқин уй-жойга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган юртдошларимиз имтиёзли ипотека кредити асосида уй билан таъминланади. Бошланғич бадал Президентимиз томонидан тўла берилётгани уларни янада хурсанд қилмоқда.

Чуст туманининг Сабзозор массивида барпо этилган икки қаватли, 64 хонадонли тўртта уй фойдаланишга топширилишига бағишланган тадбирда вилоят, туман ҳокимликлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, кенг жамоатчилик иштирок этди. Кучли ихтимомий ҳимоя, кам таъминланган oilалар ва ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан экани таъкидланди.

Имтиёз асосида уй-жойга эга бўлганлар орасида Меҳнатобод маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногирони Н.Нажмиддинов ҳам бор.

— Уч фарзандимиз билан бир хонали таъмирталаб уйда яшар эдик, — дейди унинг турмуш ўртоғи З.Нажмиддинова. — Бугун бизга барча шароитлари мавжуд замонавий уйнинг 3 хонали хонадони топширилди. Қувончимиз ичимизга сиймаяпти. Энди биз ҳам кўп қатори фаровон, эмин-эркин ҳаёт кечирамиз. Давлатимизнинг гамхўрлигини қарангки, менга янги тикув машинаси тухфа қилиб, касаначи сифатида "Чуст пaxта тоzalash" корxonasiga ишга ҳам қабул қилишди. Бундай гамхўрлик учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Қизилтепа қишлоғида яшовчи II гуруҳ ногирони М.Меҳмонова, Баймоқ қишлоғида яшовчи II гуруҳ ногирони Мунаввар Мадаминова ҳам Сабзозор массивида бунёд этилган замонавий уйлarga кўчиб ўтди.

❖ Фарғона вилоятида жорий йилда 26 умумтаълим мактаби, 38 мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилиниб ва қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Энг улғу, энг азиз байрам арафасида Кува тумани Пахтакор қишлоғида жойлашган 67-умумтаълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларига 3 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган мактабда ўқувчиларнинг замонавий таълим олиши учун барча шароит яратилган.

— Кенг ва ёруғ синф хоналари, спорт зали ва майдончаси ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради, — дейди мактаб директори Р.Шамсиддинов. — Фарзандларимизга кўрсатилаётган бундай улкан эътибор ота-оналарни ҳам беҳад хурсанд қилмоқда.

❖ Андижонда "Маърифат тарғиботчилари" жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириши янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Андижон вилояти ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда мутахассислар, таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари, иходкор зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, давлат дастурлари, қонун ҳужжатлари, фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мақсад ва мазмунини ёшларга тушунтириш, терроризм, ақидaparastлик, одам савдоси, "оммавий маданият" ва бошқа таҳдидларга қарши самарали кураш олиб бориш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрафлича жавоб қайтарилди.

ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРИМИЗ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ТAYБРАНДИ.

Гуматакликларга яна бир совға

Бойсун туманидаги Гуматақ қишлоғида жойлашган 53-мактаб ўқувчиларига мустақиллик байрами ва янги ўқув йили арафасида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов номидаги маънавият хонаси ҳада қилинди.

Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Рамазон Абдуллаев ташаббуси ва ҳомилиги билан ташкил этилган хона мактабга кўрк бўлди. Бу ерга кирган киши, энг аввало, хона тўрида Биринчи Президентимизнинг катта портретини кўради. Ислоҳ Каримов қаламига мансуб 100 дан ортиқ китоб, пурмаъно фикрлари, суратлари томошабинлар диққат-эътиборини тортади. Рамазон Абдуллаев Ислоҳ Каримов асарларининг аксариятини пойтахтдан олиб борганини таъкидлай-

ди. Хонага кирганлар фақат асар билан танишиб, китоб томоша қилмайди, стол-студда ўтириб, китоб мутолаа қилиши мумкин.

— Ўқув йили тугаб, ёзи таштилга чиқишимиз билан қурилиши бошлаб юбордик, — дейди Рамазон Абдуллаев. — 12 нафар ўқитувчи ва 96 нафар ўқувчи қўлни-қўлга бериб, бино қуришда иштирок этди. Кимдир моддий томондан ҳомилик қилса, бошқаси ҳашарда жонбозлик кўрсатди. Хомашёнинг асосий қисми қишлоғимиздан чиқди. Етмаганига ҳамқишлоқлар ёрдамлашди. Ўқувчилар битта ғишт ёки тош ташиб бўлса ҳам, эзгу ишга ҳисса қўшганини кўриб, қувондик.

Мактаб биноси, ошхона, кутубхона ёнида Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланган хонанинг бунёд этилиши гуматакликларга олам-олам қувонч бағишламоқда.

Райхона ХҲЖАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Янги боғча болаларга бағрини очди

Мустақиллигимизнинг 26 йиллик тантанасини Яшнобод туманининг "Маърифат" ва "Ширинобод" маҳаллаларида яшовчи аҳоли қўшалоқ байрам сифатида нишонлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 6 май кuni Тошкент шаҳар Яшнобод туманига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ижроси-

ни таъминлаш юзасидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасида Яшнобод туманида жойлашган 32-ойлавий поликлиника ўрнида мактабгача таълим муассасасини қуриш кўзда тутилган эди.

Янги қурилган замонавий

МТМнинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, туман ХТБ ходимлари, "Маърифат" ва "Ширинобод" маҳаллалари фаоллари иштирок этди.

— Авваллари бу маҳаллаларда МТМ бўлмагани учун ота-оналар фарзандларини узоқда жойлашган боғчага беришга мажбур эди, — дейди Яшнобод тумани халқ таълими бўлими мудири Жамолддин Камолов. — Бу йўл машаққатини келтириб чиқарар эди. Бугун маҳалла аҳолининг кўнглидаги истак амалга ошди. "MARVEL MACHINER SYSTEMS" МЧЖ томонидан 180 ўринга мўлжалланган 15-МТМ замонавий кўринишда барпо этилди. Муассасага малакали педагоглар ҳамда "Маърифат" ва "Ширинобод" маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳолининг 3—7 ёшгача бўлган 180 нафар фарзанди қабул қилинди.

З.МАДАТОВА,
"Ma'rifat" мухбири



Тўғарақлар ярмаркаси

Ўқувчиларни касб-ҳунар ўрганишга чорламоқда

Пойтахтимиздаги "Дўстлик" маданият ва истироҳат боғида Яққасарой тумани "Барқамол авлод" болалар маркази ташаббуси билан тўғарақлар ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги таълим муассасалари ўқувчилари иштирок этди.

Яққасарой тумани "Барқамол авлод" болалар марказида 600 нафардан ортиқ бола шуғулланмоқда. Марказда ташкил этилган тасвирий санъат, майда пластика, миллий рақс, архитектура, кулолчилик, пазандалик, оила ҳамшираси, тикиш-бичиш каби тўғарақларда ўғил-қизлар мактабдан ташқари бўш вақтини мазмунли ўтказяпти.

— Ярмаркани ўтказишдан мақсад муассасамиз тарбияланувчиларининг сафини янада кенгайтириш, шу орқали ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, — дейди марказ директори Дилдора Яхъева. — Тадбирда тажрибали мураббийлар ўқувчиларни тўғарақлар фаолияти билан яқиндан таништириб, уларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб беришди. Кўпчилик ўқувчилар шу ёрнинг ўзидек тўғараққа аъзо бўлиб, дарсдан сўнг ўзи қизиққан касб-ҳунарни ўрганишга киришяпти.

Яққасарой туманидаги 89-мактаб ўқитувчиси Гулзира Раматова ҳам ўз ўқувчиларини ярмаркага олиб келибди.

— Минг марта эшитгандан бир бор кўрган афзал. "Барқамол авлод" болалар марказидаги тўғарақлар фаолияти билан танишгани келди, — дейди Гулзира Раматова. — Ўқувчиларим — Севинч Чўтбоева мунчоқли безакка, Жаҳонгир Абумаликов кулолчилик тўғарағига қизиқиб қолди. Шунингдек, ўқувчиларим бадий тўқиш, пазандалик, инглиз тили, ракетамодел каби тўғарақларда шуғулланиш истагини билдиришди. Ота-оналар билан маслаҳатлашиб, ўқувчиларим истаklarини рўёбга чиқариш ҳаракатидаман.

Ярмаркада майда пластика тўғарағи раҳбари Машура Маҳаматова, ўқувчиларга кулолчилик санъати бўйича дастлабки кўникмаларни ўргатиб келаётган Дурдона Жўраева ва бошқа тўға-

рак раҳбарлари мураббийлигида яратилган ижод намуналари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Нашриёт-матбаа уйлари томонидан намойиш қилинган китоб ярмаркасида ўқувчилар янги нашрдан чиққан бадий адабиётлар билан танишиш имкониятига эга бўлди.



Пойтахтимиздаги Хадра майдонида ҳам ана шундай тўғарақлар ярмаркаси бўлиб ўтди.

— Фарзандларимизнинг бўш вақтини фойдали машғулотлар билан банд қилсақ, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олган бўламиз, — дейди Шайхонтоҳур тумани "Барқамол авлод" болалар маркази директори Зулфия Расулова. — Ярмаркада намойиш этилган 20 га яқин тўғарақларимизга тажрибали мураббийлар бош-қош. Болалар радиотехника, электроника, компьютер сервиси каби техника йўналишига қизиққан бўлса, қизлар либос дизайни, бичиш-тикиш, мунчоқли безак сингари тўғарақларда шуғулланиш истагини билдирди. Ўқувчилар талабидан келиб чиқиб янги тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйиши ҳам мақсад қилганмиз.

"Барқамол авлод" болалар марказлари томонидан ташкил этилган ярмарка янги 2017-2018 ўқув йили бошида ҳар бир ўқувчига бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун тўғри йўналиш берди.

Хасан МҮМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

2017-yil 6-sentabr, № 71 (9032)

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Амалиётда ишончни оқлаган ўқувчилар

ўқишни битиргач, корхоналарда ишга олиб қолинапти

Мутахассислигига мос иш билан таъминлаш, олган билимини амалиётда мустақамлаши учун муносиб шарт-шароит яратиш битирувчиларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, бу йил Қашқадарё вилоятидаги 137 касб-хунар коллежини тамомлаган 46783 нафар битирувчининг ҳудуддаги 19804 та корхона ва ташкилотда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун зарур имкониятлар муҳайё этилди. Уларни иш билан тўлиқ таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган йигит-қизларга имтиёзли кредит ажратиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ғузур нефть-газ sanoati касб-хунар коллежи битирувчиси Хумоюн Жумаев "Шўртаннефтгаз" масъулияти чекланган жамиятида амалиёт ўтаган кезлари ота-онаси ҳам, қишлоқ-дошлари ҳам йигитнинг корхонада ишга жойлашишига унчалик ишонмаган эди. Кўп ўтмай, тиришқоқ амалиётчи устозлари ишончини оқлаб, малакали мутахассислар қаторида меҳнат қила бошлади. У сингари тўрт томонлама шартнома асосида амалиёт ўтаган бошқа битирувчилар ҳам гигант корхонада иш билан таъминланиб, оиласи бюджетига ҳисса қўшадиган бўлди.

— Дастлаб корхонага амалиётга келганимда, роса ҳайратланган бўлсамда, замонавий дастгоҳларни ўта аниқлик билан бошқаришни, нозик ва мураккаб кимёвий жараёнларни яхши ўрганиб, муайян кўникма ҳам орттирган эдим. Мана энди, ўрганганларим меҳнат фаолиятимда қўл келмоқда, — дейди "Шўртаннефтгаз" масъулияти чекланган жамиятининг углеводородли газ конденсати тозалаш ва қуритиш цехи кузатувчи оператори Хумоюн Жумаев.

Худуддаги ўнлаб ёшларнинг касб-хунар ўрганишида муҳим аҳамият касб этаётган Ғузур нефть-газ sanoati касб-хунар коллежи

да нефть ва газ кудуқларини синиш техниги, нефть ва газ кудуқларини бургулаш техниги, компьютер ва компьютер тармоқларини таъмирлаш ва сошлаш бўйича техник, пайвандлаш ишлари (механиги) техниги, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-технолог, тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник-технолог, полимер композитлар, пластмасса ва эластомерларни кимёвий ишлаб чиқариш техник-технолог, кимёвий ишлаб чиқариш техник-технолог, сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш ва ишлатиш устаси, геология қидирув кудуқларини бургуловчи техник, нефть-газ конларини казиш машина ва жиҳозлари, нефть ва газга кимёвий ишлов бериш ва қайта ишлаш техник-технолог каби йўналишларда кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида таълим муассасаси ҳамда "Шўртангаз" унитар шўъба корхонаси, "Шўртангазкимё" мажмуаси, "Ҳисоролдинефтгазқидирув" экспедицияси, Ғузур 2532-автожамланмаси, "Ғузуртелеком", Ғузур электр тармоқлари очик акциядорлик жамияти, туман марказий шифохонаси, фермер хўжалиқлари ва ху-

сусий ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида тўрт томонлама шартнома тузилиб, изчил амалий фаолият олиб борилаётгани самара бераяпти.

— Коллежимиз "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси тизимидаги нефть, газ ва кимё sanoati корхоналарига кичик мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Болта Авлоқулов. — Бу йил муассасамизни тамомлаган 691 нафар ёшдан 239 нафари ўқишни давом эттириш мақсадида олий ўқув юртига ҳужжат топширган бўлса, 52 нафар йигит-қиз ўз бизнесини бошлаш арафасида. Ун нафар ўқувчимиз белгиланган миқдордаги кредитни олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. 71 нафар ёш "Шўртангаз" МЧЖ, "Шўртангазкимё" мажмуаси, "Ҳисоролдинефтгазқидирув" экспедицияси МЧЖ каби ҳамкор ташкилотларга ишга жойлаштирилди.

Ўқувчилар таълим масканининг кимё, физика, биология, география ўқув-лаборатория хоналарида ўрнатилган самарали фойдаланмоқда. Бундан ташқари, Япония давлати грант лойиҳаси асосида коллежнинг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonасига 53 миллион 528 минг 670 сўмлик замонавий токарлик ва чилангарлик дастгоҳи ўрнатилди. Худди шунингдек, Жанубий Корея давлати грант лойиҳаси асосида иккита компьютер синфи 56 миллион 109 минг 482 сўмлик 26 та замонавий компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар, 46 миллион 937 минг 351 сўмлик пайвандлаш ускуналари билан таъминланди. Коллежнинг маънавият ва маърифат хонаси ҳамда ахборот-ресурс маркази интернет тармоғига уланган бўлиб, ўқувчилар "ZiyoNET" ахборот порталидан



унумли фойдаланмоқда.

Коллеж битирувчиларининг иш билан таъминланишига хизмат қилаётган омиллардан яна бири "Шўртаннефтгаз" масъулияти чекланган жамияти, "Шўртангазкимё" мажмуаси билан яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилганидир. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, коллеж ўқитувчилари углеводородли газ конденсати тозалаш ва қуритиш цехи кузатувчиси Бобур Аблақулов, элементар олтин-гүгурт олиш цехи чилангари Олим Қодиров, пропан-бутан аралашмаси олиш ва газ ҳайдаш цехи машинисти Элёр Дўстмуродов, газдан олтин-гүгурт тозалаш цехи кузатувчиси Дилшод Эляев билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари мустақамланмоқда. Бу битирувчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнига тез мослашувига ёрдам беради. Бундан ташқари, битирув имтиҳонларининг бу корхона мутахассислари иштирокида олинаётгани иш берувчиларнинг салоҳиятли мутахассисларни танлашида муҳим

аҳамият касб этапти.

— "Миллий банк"нинг Қашқадарё филиалидан 25 миллион сўм кредит олиб, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonасини ташкил этдим. Айни пайтда икки нафар тенгдошим билан юртимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни таъмирлашга яғмиш, — дейди коллеж битирувчиси Шахриёр Искандаров. — Келгусида иш ўринларини кўпайтириб, барча турдаги автомобилларга техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, муъжаз устaxonани кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонасига айлантириш ниятидман.

Коллежнинг яна бир битирувчиси Маҳмуд Эшназаров банкдан 15 миллион сўм кредит олиб, балиқчиликни йўлга қўйди. Изланувчан йигит парҳез гўшт маҳсулотлари етиштириш, жумладан, паррандачилик билан ҳам шуғулланиб, ички ва ташқи бозорни сифатли, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ниятида.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Намунали битирувчи малакали мутахассисдир

"Жийдакапа индустри" масъулияти чекланган жамияти қошидаги темир-бетон буюмлар корхонаси пайвандчиси Ислам Обиддинов ақнида иш бошлаганига қарамай, илгор ишчилар сафига қўшилди. 2016 йили Жийдакапа қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежини "аъло" баҳоларга битириб, корхонада иш бошлаган ёш мутахассис нафақат меҳнат иштирокига қатъий риоя қилиши, балки ишлаб чиқаришга оид топшириқларни ўз вақтида удралаётгани, касбий маҳорати ва малакасини оширишга астойдил иштиалаётгани туфайли корхона раҳбарлари эътирофига сазовор бўлди.

Мазкур корхонада Исламнинг 16 нафар тенгдоши меҳнат қилаяпти. Уларнинг аксарияти Жийдакапа қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи битирувчиларидир.

— 2003 йилдан буён коллеж билан ҳамкорлик қиламиз, — дейди корхонанинг механика цехи бошлиғи Муҳаммадхон Султонов. — Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиёти, диплом ҳимояси ҳам шу ерда ўтказилади. Коллеж ўқув-амалиёт хоналарининг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлангани, ускуналардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилгани туфайли муассаса битирувчиларининг кас-

бий лаёқати ва кўникмаси юқори. Шу боис, иш берувчилар шундай сифатларга эга мутахассисларни биринчи навбатда ишга қабул қилади.

Янгиқўрган тумани Нанай қишлоғидаги 54-мактабнинг янги ўқув биносини бунёд этаётган "Қурилиш-файз" масъулияти чекланган жамияти ишчилари орасида ҳам Жийдакапа қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежини тамомлаган ёшлар меҳнат қилаяпти.

— Айр-м касб эгалари ҳақида "туғма қобилияти бор" деган гапни эшитамиз. Бизнесинг соҳада ҳам иқтидорсиз мутахассис ўз ўрнини топол-

майди, — дейди "Қурилиш-файз" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Толибхон Давлатов. — Коллеж битирувчиларига келсак, қурувчилик бўйича улар муайян билим, кўникма ва малакага эга.

Жийдакапа қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи 2002 йилда тўлиқ реконструкция қилиниб, мустақам моддий-техник базага эга бўлди. Жумладан, 2011-2012 йиллари "Корея-2" грант лойиҳаси асосида таълим муассасасида иккита мультимедиа синфи, тикувчилик амалиёт устaxonаси, пайвандчилик ва мебель ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнатилган янги устaxonаларнинг ташкил этилиши касбий таълим сифати ва мазмунини янги bosқинга кўтарди.

— 2016—2017 ўқув йилида коллежимизни 8 йўналиш бўйича тамомлаган 226 нафар ўқувчи 124 та корхона ва ташкилотга ишга жойлашди, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Мақсуджон Тожибоев. — Ўтган йили коллежимизни тугатган 40 нафар имти-

ёзли диплом эгасининг 12 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Икки нафар битирувчимиз Жанубий Кореянинг Инчонг университети талабалари сафидан ўрин олди.

Коллеж ўқувчилари касбий маҳорат ва малака борасида ҳам бир қанча ютуқларни қўлга киритмоқда. Жумладан, 2016—2017 ўқув йилида 3-босқич ўқувчиси Боситхон Тошпўлатов Ўзбекистон касба уюмлари федерацияси кенгаши томонидан ўтказилган "Энг малакали ёш ишчи" кўрик-танловининг вилоят bosқинида 1-, республика bosқинида эса 2-ўринни эгаллади. "Олдинги йилларда ҳам ўқувчиларимиз турли нуфузли танловларда юқори ўринларни эгаллаган. Бироқ бу галги муваффақият биз устозлар учун жуда салмоқли бўлди", дейди унга пайвандчилик технологияси сирларини ўргатаётган ишлаб чиқариш устаси Зокиржон Маҳкамов.

Ғанишер АҚБАРОВ,
"Ma'rifat" мухбири

«Уюшмаган ёшлар» фаол қатламга айланиши зарур

“Ma’rifat” gazetasi 2017 йил 14 июнь сонida эълон қилинган “Усмирни фожиадан асрайлик!” (У.Қодиров) мақоласи кўпчилик қатори биз — психологларни ҳам бефарқ қолдирмади.

Ўсмир қалби НОЗИК

Амалиётчи психолог бўлганим учун ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар тараққийлашуви, бир-бирини тушунамслик каби ҳолатларга кўп дуч келаман. Узро сўхбат ва суриштирувлардан маълум бўладики, низоларнинг асосий сабаби — катталар ўсмирнинг ўзига хос характери ва дунёқарабини тушунмайди. Ваҳоланки, бир вақтлар улар ҳам худди шундай даврни бошдан кечирган.

Ўсмирлик — болалиқдан балоғат ёшига ўтиш босқичи ҳисобланади. Кўпинча ўтиш даврида жисмоний ва руҳий ривожланиш жараёни юз бериб, характер шаклланади, кучли ҳис-туйғу, ғайрат-шижоат жўш уради. Бу пайтда ўсмир ҳиссиётга берилиб, мустақил бўлишга, ўз сўзини ўтказишга интилади. Тана ва организмда бўлаётган ўзгаришлар ўсмир характерида турли хусусиятларни намоён қилади: улар тасвирчан, кўрс, жижакчи, сал нарсага ранжийдиган бўлиб қолади. Энг ёмони, бу даврда ўсмирларда суицид (ўз жонига қасд қилиш) ҳолатига мойиллик пайдо бўлади. Сирдарё ва Тошкент вилоятларида содир бўлган суицид ҳолатини ўрганиш жараёнида бунга амин бўлдиқ. Тахлилларга кўра, ўсмирларнинг кўпчилиги омадсиз севи тудайли суицид ҳолатига тушиб қолган. 50–60 фоиз йилги-қизлар ўз вақтида сирдош, дард-каш топа олганлари учун қалитс йўлини танлаган.

Ўзини ўзи англашиши энг муҳим жиҳатларидан бири жинсга мансубликни англашдир. Жинслар ўртасидаги руҳий тафовут инсон ҳаётида ўсмирлик ва ёшлик давридагидек кучли бўлмайди. Севи-муҳаббат ҳислари мураккаб ижтимоий-маънавий масалаларни кўндаланг қўяди. Бу пайтда ўсмир катталар кўмаги ва маслаҳатига, энг муҳими яқин дўста муҳтожлик сезади. Шу боис, фарзандларимизнинг яқин дўст танлаши, тенгдоши билан сирдош тутинишига ёрдам беришимиз лозим.

Ўтказилган тадқиқотда ўсмирлик давридаги суицид ўз-ўзидан келиб чиқмаслиги, бунга қатор омиллар сабаб бўлиши ойдинлашди. Ўсмирда кўпинча атрофдагиларнинг эътиборини жалб қилиш ёки ўз яқинларини кўрқитиб, мақсадга эришиш нияти устунлик қилади. Бунинг ичига шахсий низолар, қорасизлик, ёлғизлик, ўзини камситилгандек ҳис қилиш, эркинликнинг чекланиши, жинсий муносабатлар ҳам кириб кетади. Ҳўш, суицид нима учун рўй беради? Муаллиф бунинг сабабларини аниқ-тиниқ кўрсатади. Бунга қўшимча тарихсиздан ўз кутатишларидан айримларини айтмоқчиман: катталар ва ёшларнинг бир-бирини тушунмаслиги; ўсмирларнинг оиласи, ўз жамоасидан узоқлашиши, камгап бўлиб, ўзининг ички ботиний дунёсига тушиб қолиши; ота-оналарнинг ўзаро муносабатларда “Бу кўнунгдан ўлганинг яқши”, “Бетинг курсин”, “Қачон одам бўласан?” каби ҳақоратомиз сўзларни ишлатиши; яқинлари ва дўстлари эътиборидан қолиш; ўзидан қоникмаслик ва интернетга тобелик.

Шу ўринда ўсмирни тўғри йўлга бошлаш борадида ўз тавсияларини беришни лозим топдим:

- вилоят ва туман марказларида оилавий психологик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш;
- психологик хизмат кўрсатиш бўйича ишонч телефонларини ташкил этиб, малакали мутахассислар кўмагига таяниш;
- республика ва маҳаллий телевидениеларда “Психолог соати” очик мулоқот кўрсатувларини ташкил этиш;
- руҳий танглик ва асабийлик ҳолатларнинг олдини олиш учун аҳоли ўртасида психологик билимларни кенг тарғиб қилиш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида маош олиб ишлайдиган психолог штатини жорий этиб, “Фуқароларга психологик хизмат кўрсатиш хонаси”ни ажраттиш.

Мазкур тақлиф ва тавсиялар вилоят, туман, маҳалла миқёсида, ота-оналар, педагог ва ёшлар ўртасида амалга оширилса, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинар эди.

Феруза АКРАМОВА,
Республика “Оила” илмий-амалий маркази етакчи илмий ходими, психология фанлари номзоди, доцент



шакллантириш, меҳнат фаровон яшаш ва бировага муте бўлиб қолмаслик омилли эканлигини амалий (таълим муассасалари ва маҳаллардаги жамоат ишларига жалб қилиш) ва тарғибот (ўз меҳнати билан обрў-эътибор қозонаётган, қайсидир соҳанинг “пирини” айланган юрдошларимизни ўрнат қилиб кўрсатиш) жараёни орқали фарзандларимиз онига сингдириш, ёшлар интеллектуал салоҳиятини белгилаб берувчи IQ тестларини жорий этиш билан улар даражасини аниқлаш, касбга йўналтиришни тақомиллаштириш вазифалари олдимизда кўндаланг турибди.

Республикамиздаги барча психологларни бирлаштириш, улар ўртасида доимий илмий-амалий конференциялар ўтказиб боришга хизмат қилувчи психологлар ассоциацияси ишини янада жонлантириш зарурати мавжуд. Қишлоқ туманларида психологик ўқув марказларини ташкил этиш, уюшмаган ёшларни руҳан-маъна ўрганиш асосида иқтидорини аниқлаш, уларни қайта ўқув курсларига жалб этиш, ҳаётий идеалларни шакллантириш ва психологик йўналганликни ривожлантириш учун маҳалла билан ҳамкорлик ўрнатиб ўз самарасини беришига шўбха йўқ. Уюшмаган ёшларни касб-хунарга ўргатиш мактаб таълими билан боғлиқ. Амалиётчи корхоналарни мактабга бириктириш, улар қошида мактаб салоҳиятидан фойдаланиб фаолият олиб борадиган ўқув марказларини ташкил этиш давр талабидир.

Ёшлар иттифоқи ҳузурида уюшмаган ёшларнинг тадбиркорлиқни бошлаши, жамиятдан ўз ўрнини топишига психологик-мотивацион кўмаклашувчи марказ тўзиб, унинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини ошириш долзарб вазифа эканлиги конференция иштирокчилари томонидан қайд қилинди. Иттифоқ қошида “Ёшлар виртуал қабулхонаси”ни ташкил этиш; ҳар бир худуд бўйича уюшмаган ёшлар таркибининг муфассал инвентаризация қилиш, шу асосда уюшмаган ёшларни қобилияти ва салоҳиятига қараб махсус йўналтиришга бўлиш лозим.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бандлик, меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси тасаруфидида “Ижтимоий мактаб” ташкил этиб, унга талаба бўла олган, касб-хунар эгалламаган ишсиз ёшларни жалб қилиш, жамиятда ўз ўрнини топишига имкон яратиш муҳим аҳамият касб этади. Уюшмаган ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини тўла

Мансур БЕКМУРОДОВ,
социология фанлари доктори, профессор

д) хатар гуруҳидаги болалар, ИУТМ, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва уюшмаган ёшлар билан олиб бориладиган ижтимоий иш тўғрисида низоом лойиҳасини тайёрлаш;

е) ҳар бир худуд (вилоят, шаҳар, туман) бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг уюшмаган ёшлар билан олиб бораётган ишлари самардорлигини баҳолаш индексини ишлаб чиқиш;

ж) Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар кенгашлари билан ҳамкорликда маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида ёшлар муаммолари бўйича экспертлар гуруҳи ва таҳлил марказларини ташкил этиш;

з) маргиналлашуви ва люмпенлашуви жараёнларини бошдан кечираётган ёшларнинг қадриятларни қадрамаслик, атрофдагиларга ишонсизлик ва бефарқлик билан қарashi, суицидга мойиллик, ёт таъсирга тез берилишини инobatта олиб, бунинг илдиэ отиб кетишига йўл қўймаслик учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари олдига қатъий вазифалар қўйиш; и) уюшмаган ёшларнинг турли табақалари хусусиятини ўрганиш бўйича университетларнинг психология, социология, фалсафа факультетларида ёш педагоглар, ассистентлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилиши учун кенг имконият яратиш;

к) ёш педагог ва врачларнинг психологик тайёргарлигини кўчатириш мақсадида университетлар, тиббиёт институтлари ўқув режаларида психология фанлари учун ажратиладиган соатлар ҳажмини кенгайтириш;

л) ҳар бир туман ёшлар иттифоқи қошида уюшмаган ёшлар жамиятини ташкил этиш. Бу жамиятга худуддаги уюшмаган ёшларни касби, жинси, ёши, қизиқиши, иқтидори, саломаатлик индекси, миллати, сиёсий, диний эътиқоди мезонлари асосида таснифлаш, худудда истиқомат қилувчи йигит-қизлар билан бевосита ва билвосита шуғуланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш, уюшмаган ёшларни мавсумий ишларга тақсимлаш вазифасини юклаш;

м) уюшмаган ёшларнинг ақсарият қисми қишлоқда истиқомат қилишини ҳисобга олиб, ҳар бир қишлоқда “Ёшлар ҳўжаликлари”ни ташкил этиш, бу ҳўжаликка вилоят ва туман ҳокимларининг 100 гектардан 500 гектаргача суғориладиган ер ажратилиши таъминлаш, қишлоқдаги ижтимоий тузилмалар фаолиятини реанимация қилиш, қишлоқда альтернатив маъмурий бошқарув тизимини жорий этиш, фермер ҳўжаликлари томонидан мавсумий ишга жалб этилувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш, бунинг учун фермерга берилувчи имтиёз ва қўлай ҳуқуқий-меъёрий асосларни ишлаб чиқиш;

н) уюшмаган ёшлар ҳаётига хос муаммоларни аниқ, илмий таҳлил асосида ўрганиш, ечимини топиш учун худудлар харитасини тўзиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси қошида ташкил этилаётган ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини таркибидида махсус марказ ташкил этиш зарур.

Бўндан ташқари, фарзандларимизнинг замонавий технологияларга мойиллигини ҳисобга олган ҳолда тарбиядаги аънавий усулларимизни бир қадар ўзгартиришимиз, қуруқ ваъжонликдан воз кечиб, уларни атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатда бўлишга ўргатиш, акборот ва интернет материалларидан тўғри фойдаланиш маданиятини

Ишсизлик — уюшмаганлик сабаби

Ишсизлик уюшмаганликнинг негизи саналади. Бу ҳолат ихтиёрий, мажбурий, яширин, таркибий ҳамда технологик омиллар натижасида намоён бўлади. Яқин ўтмишда юртимиздаги банкротга учраган йирик ишлаб чиқариш корхоналари оммавий равишда ёпилиши муносабати билан мажбурий тарздаги саноат ишсизлиги юзага келган бўлса, қишлоқ ширкат ҳўжаликларида самарасиз фаолият юритиб келган ишчиларнинг бекор қолиши ҳам ишчи кучи билан юқори унумдорликка эриша оладиган фермерлик тизими жорий этилиши натижасида пайдо бўлди.

Бу бозор иқтисодиёти учун нормал ҳолат бўлиб, мазкур муаммо ечими сифатида жамиятда инновацион ҳулқ, инновацион жараён ва инновацион ҳолатга мос бўлган кайфиятни шакллантиришимиз керак. Фаол ижтимоий ҳамкорликка кўника ҳосил қилиш тарбиясини йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий институтлар ташкил этиш географиясини кенгайтириш зарур. Инсон амал қиладиган қадриятларга мўлжалланиб ташкил этиладиган ижтимоий инсти-тутлар жамиятнинг умумий барқарорлигини таъминлаш механизмидир.

Конференцияда илгари сурилган гўялар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 9–10 август кўнлари “Ёшлар — келажак бунёдкори” шiori остида конференция ўтказилди. Уюшмаган ёшлар билан иш олиб боришда натижадорликка эришишнинг илмий-амалий масалаларга бағишланган анжуман яқинида бир қатор тақлифлар илгари сурилди. Агар улар умумлаштирилиб, амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланса, уюшмаган ёшларни жамиятимизнинг фаол қатламга киритиш мумкин бўлади. Бу тақлиф-мулоҳазаларни бирма-бир санаб чиқамиз:

а) амалдаги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳўжатларда “уюшмаган ёшлар” билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топмай келаятганлиги инobatта олиниб, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунни 3-моддасидаги асосий тушунчлар қаторига “уюшмаган ёшлар” бирикмасини, 10–21-моддаларига “уюшмаган ёшлар”нинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ифодаловчи тегишли нормаларини, 3-бўлигига “уюшмаган ёшлар” билан боғлиқ нормани алоҳида модда сифатида киритиш;

б) мамлакатимизда уюшмаган ёшларнинг бандлик даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ёшлар тадбиркорлигини самарали йўлга қўйиш ва унинг амалга оширилишини ҳуқуқий қафолатлари” номи янги қонун қабул қилиш;

в) иқтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари (ИУТМ), меҳрибонлик уйлари битирувчилари ҳамда қийин ҳаётий вазиятда қолган ёшларни ижтимоий қузатувни ташкил қилиш;

г) ҳуқуқ-тартибот органлари ва муассасаларининг хатар гуруҳидаги болалар ва уюшмаган ёшларда ахлоқий-иродавий сифатларни, ҳуқуқий жавобгарликни шакллантириш, қонунга бўйсунувчи ҳулқ-атвори ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган фаолиятини кўчатириш;

ўз навбатида ёт гўяларга берилувчанликни кўчатириши мумкин. Таълим субъектларида жамиятнинг умумий мақсадларидан четга чиқиб майл-хоҳишлари кўчайса, бу алоҳида ижтимоий қатламнинг юзага келиши, юз бераётган жараёнларга нисбатан бефарқликни келтириб чиқаради.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, уюшмаган ёшларни мавжуд ҳолатдан норозилик кайфияти биланлаштириб туради. Норозилик эса ҳар қандай катаклизм (жамиятдаги ўпирилиш) ва ижтимоий тўс-тўполонларнинг ҳаракатлантирувчи кўчидир. Шу боисдан ҳам уюшмаган ёшлар муаммоларини жиддий ўрганишга бағишланган тадқиқотларга кенг имконият яратиш керак.

Субъектив омиллар таъсир қилади (ми?)

Уюшмаганлик даражаси ёки интеграл хусусият сусти ёшларнинг пассивлашишига имкон тўғдиради. Субъектив омиллар қаторида ўсиб келаятган ёш йигит-қизларнинг олдга қуриш орузи, яқин дўстлари, оуоналари билан ўрнатадиган муносабати муҳим ўрин тутади. Шўролар даврида ёшларни коммунистик гўяларга интеграция қилишга асосий эътибор қаратилар эди. Яъни, боланинг зулуксиз равишда октябрят, пионер, комсомол бўлиб сиёсий тизимга интеграция қилиниши, уларнинг оила қобигида қолиб кетмаслигига ургу қаратилар эди. Бу ўз асоратини қолдирди. 2016 йилдан бунён ўтказиб келинаётган тадқиқотларимизда фаол ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан бевосита мулоқот вақти 8–10 дақиқадан ошмаслиги маълум бўлмоқда. Мулоқот мазмуни асосан моддий ёки маийий йўналишдаги қисқа савол-жавоблардан иборат эканлиги сир эмас. Таълимга, ўзаро муносабатларга, санъат, маданият, адабиётга интеграция бўлиш муаммоларини боладан сўршаш ва унинг ечимлари бўйича бамайлехотир маслаҳат бериш амалиёти бизда мавжуд эмас.

Иккинчи муҳим субъектив омил — бу ёшларнинг табиий равишда уюшадиган кичик гуруҳлар(илмий нутда “референт гуруҳлар”)да юз берадиган мулоқот мазмунидан ота-она, на ўқитувчи, на маҳалланинг бекбарлигидир. Референт гуруҳ ёш йигит-қизларнинг ҳаётий муаммоларини билан қизиқувчи, дунёқараш, меҳнатга, ота-онага, Ватанга бўлган муносабатини шакллантирувчи ва мустаҳкамловчи ижтимоий бирикдир. Агар ёшларнинг қандай кичик гуруҳларга уюша бошлагани аввалдан эътиборга олинса, унга таъсир ўтказилса, улар тарбияси янада позитивлашар эди.

Учинчи субъектив омил — оилада ёшларга мақсадни тўғри қўя билиш тарбиясининг болалиқдан бошлаб берилмаётганлигида намоён бўлади. Мақсадга эгалик 10 ёшда қатъийлашиб, шу ёшдан уни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаб олиш лозим.

Тўртинчи субъектив омил — оиладаги позитив ўзгариш ва янгилашнининг олдий ечимларидан яқин ва узоқдагиларни бохабар этмаслик, билган ижобий нарсани бошқача ҳолис, аниқ ва тез етказиш, уни ҳам баҳраманд этиш рағбатининг сустилигидир. Бунинг Президентимиз “оила маърифати”, “шахс маърифати” деб атаганлиги бежиз эмас. Фарзандини мустақил ҳаётга тайёрлашда ҳар бир ота-она ўз умри мобайлида тўлганга билим, тажриба ва ўқувига таянади. Агар ота-онада юксак салоҳият, касбий ва ҳаётий малака етарли бўлса, ўз боласидаги иқтидор, истеъдодни тўғри йўналтира олади.

Бандликни таъминлаш — устувор йўналиш

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, улар меҳнат қилиши ва фаровон ҳаёт кечирishi учун қўлай шарт-шароитлар яратиш белгиланган. Ана шу мақсадларга 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ долларини йўналтириш кўзда тутилмоқда. Бу аввало, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириб бориш орқали таъминланади.

Қайд этиш жоизки, республикамизда юқори даражадаги демографияфик ўсиш натижасида ҳар йили меҳнат бозорига ярим миллион нафар йигит-қиз кириб келмоқда. Шунинг учун ҳам Ҳаракатлар стратегиясида бандлик муаммосини оила, маҳалла, қишлоқ, туман, вилоят кўсимларида ҳал этиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Бунинг учун му-тасадди давлат бошқарув идоралари томонидан бандликни таъминлашнинг молиявий манбалари ўрганилмоқда.

Уюшмаганлик манбалари

Уюшмаган ёшларни яшаш худудлари бўйича таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, уларнинг 30 фоизи қишлоқда истиқомат қилади. Халқимизнинг кўп мингйиллик ўтмишида улар билан мақсадли ишлаш амалиёти кузатилмаган. Ҳаттоки, бу масалани махсус тадқиқ этувчи муассасалар ҳам мавжуд эмас. Амалдаги манбаларда уюшмаган ёшлар тоифасига кириши мумкин бўлган аҳоли қатлами икки йўналишда ўрганилади. **Биринчидан**, уларда ижтимоий-иқтисодий муҳитга нисбатан юзага келиши мумкин бўлган негатив кайфият таҳлил қилинадиган бўлса, **иккинчидан**, ижтимоий жараёнларга фаол киришишни истамган шахсларнинг субъектив хусусиятлари сифатида малакасизлик, дангасалик, бесабрлик, ўзини идора қила олмаслик қайд этилади.

Уюшмаган ёшлар ҳодисаси ишсизлик омилли билан бевосита боғлиқдир. Ишсизлик қўламининг кенгайишига нореал ишлаб чиқариш, саноат технологиялари ривожидан ортда қолиш, кадрлар салоҳияти пастилиги, ишқўмаслик каби омиллар имкон тўғдиради. Машҳур америкалик социолог Талкотт Парсонс одамларнинг ўзаро яқинлигига ҳалал берувчи омилларни ўрганиб, умумий мақсадлар, яъни ижтимоий ҳаракатлардан четга қолувчилар жамият таркибидида зулуксиз ортиб бораётгани ва бу ҳолат ўзига хос тенденцияга айланаётганини қайд этади. У ҳозирги пайтда АҚШда 5 миллионга яқин уй-жойсиз, тайинли иш билан банд бўлмаган одам борлигини айтди. Талкотт умумий мақсадлардан четда қолишнинг икки жиҳати, яъни, объектив ва субъектив томонларига эътибор қаратиб, ҳар бир соҳа таркибидида уюшмаганлик алоҳида шаклланишини асослайди. Таълим соҳасида муҳит ва маконнинг ўзгариши ўқувчи ва талабаларнинг жамият талабларига мослашини қийинлаштиради, қабул қилинган стандартларни ўзлаштиришни суъайтиради. Бу

Уюшмаган ёшларга аниқ фаолият тури билан банд бўлмаган, таълим олмаётган, жамоат ишларидан четда, яқна тартибдаги деҳқончилик, чорвачилик, хунармандлик, касаначилик, олди-сотди сингари тадбиркорлик турларига доимий жалб этилмаган йигит-қизлар кириди. Бу қатламнинг таркиби, микдори бўйича турли хил талқин ва ёндашувлар мавжуд.

Биринчи ёндашув — Ўзбекистон худудида фаолият юритмаётган аҳоли қатлами улар қаторига киритилади. Статистик маълумотларга қараганда, ҳоризий давлатларда 3 миллиондан зиёд Ўзбекистон фуқароси меҳнатнинг муайян тури билан банд бўлиб, шундан 2 миллионга яқини Россия худудида эканлиги аниқланган. Умумий миграцион йўналишда бу “қишлоқ — шаҳар” йўналиши, яъни республикамизнинг қишлоқ худудларидан бошқа давлат шаҳарларига иш излаб кетувчиларни ўз ичига олади.

Иккинчи ёндашув — улар таркибига киритилувчи иш билан банд бўлмаган йигит-қизлар ҳам етарли бўлиб, бунинг ечими ишсизликни камайитириш, тадбиркорлик субъектларини расмийлаштириш орқали иш ўринлари яратиш билан боғлиқдир.

Учинчи ёндашув — жамиятдаги турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий жараёнларга бефарқ, лоқайд, фаол бўлмаган, ўз соҳасини мукаммал эгалламаган, ҳеч қандай муваффақиятга эришмаётган ёшларни киритишда ифодаланади.

Шундай қилиб, “уюшмаган ёшлар” тушунчаси бирор жойда расман фаолият юритмайдиган, таълим олмаётган, муайян касб-хунар билан мунтазам банд бўлмаган, давлат ва жамият ҳаётидаги ислохотларга бефарқ, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларга лоқайд бўлган ёшлар қатлами ифодалайди.

Мактаб мулки

болада бунга тўғри муносабатни шакллантирайлик

Педагог бўлганим учун мактаб мулки, уни асраб-авайлаш, умрини узайтириш ҳақида кўп ўйлайман.

Танаффусга кўнгириқ чапинди. Ҳамма синфхона-ни тарк этиб, бошқа фан кабинетига ошиқди. Шўхрат исмли шўх боланинг стули тагидаги иккита мурватни кимдир ечиб олиб кетгани ҳақида эшитиб, уни стули билан ёнимга чорладим. Шўхрат ўриндиқни кўтарган эдики, иккига ажралиб кетди. Бола довдираб қолди. Ўзини кўрмаганга олиб турардим, ноқулай аҳволда қолса ҳам, у стулни тагидан кўтариб, ёнимга келди. Бола бояқиш ҳайрон, стулни ўрнидан кўзгагиб кўрмаган, шекилли. Мурватни ким ечиб олган бўлиши мумкин, балки Шўхратнинг ўзимикан?

— Кеча шу стулда сен ўтирганидинг?
— Ха...
— Нега у иккига бўлиниб кетди?

— Устоз, тагидаги болтлар йўқ экан!

— Яқин вақтларгача улар бўлган. Ким ечиб олган экан? Мактаб мулкини яроқсиз қилишга кимнинг ҳадди сизди?

Бола барибир бола-да, боши ҳам, айбига иквор, аммо ошкор этгиси келма-япти, хижолат бўлиш ёқмайди-да.

— Стулнинг пулини ким тўлайди энди?

— Устоз, агар болтларни олиб келсам, стулга пул тўламаймизми? Тўғриси айтсам, улар велосипеднинг қанотларини маҳкамлашга мос экан. Шунинг учун танаффусда ҳеч кимга сездирмасдан ечиб олган эдим. Кеча бувам болтларни мактабдан олиб келганимни билгач, роса койиди. "Иккинчи марта мактабдан бирон нарсани кўтариб келсанг, эгасидан сўрамай ўзганинг буюмига кўз олайтирсанг, мендан яхшилик кутма. Бу қилмишинг биринчиси ва охиригиси бўлсин", деди.

— Ана бу бошқа гап, Шўхратжон. Айбни тан олиш ҳам мардларнинг иши.

Бола қизарганича портфелидан икки дона болтни чиқариб, стулни маҳкамлади. Аслида, унга бувасининг дашномы етарли эди, аммо мен ҳам тарбия мустаҳкам бўлсин дея қўшимча қилишни лозим топдим:

— Биласанми, битта парта, иккита стул тахминан юз минг сўм туради. Мактабда эса сенга ўшаган минг нафар бола ўқийди. Демак, сен ўтирган стулдан бошқа тенгқурларинг ҳам фойдала-

нади. Мактаб жиҳозлари — давлат мулки, у жуда катта маблағ эвазига келтирилади. Агар оилангизда уч нафар бола мактабда ўқиса, ҳар бир стол-стулдан бир ўқув йилида фойдаланишингиз уч юз минг сўмдан қимматроққа тушиши мумкин. Ҳар бир оила фарзандининг шунчадан ҳаққи борлиги ҳисобланса, мактаб мулки ҳар бир ўқувчига қайи даражада хизмат қилишини та-

минг сўм сарфланади. 33 та синфхонадан ташқари барча қўшимча хоналарнинг шикастланган, кўчган жойлари сувашиб, бутланади. Синган буюмлар таъмирланади, агар яроқсиз ҳолга келган бўлса, устасини чақирамиз, имкон қадар катта маблағ эвазига келган ўқув жиҳозларининг "умрини" узайтираемиз. Таълим масканимизни янги ўқув йилигача тоза, озода, шинам ҳолга келтириш учун ҳомийларимиз ўз ёрдам қўлини чўзишади, қолаверса, ён-атрофимиздаги маҳалла фаоллари кўмаклашади.

Мустақиллик йилларида мактаблар қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Ичкарисига кирсангиз, янада ҳайратомуз манзара — парта, стол, стул, доска ва ҳаттоки эшик, дераза ромлари ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилган. Ўқув-лаборатория жиҳозларини кўринг, кўз қувнайди. Иситиш тизимлари маромиде ишлаб турибди. Интернет тармоғига уланган компьютер бебаҳо интеллектуал мулкка айланган. Бундан ташқари, мактаб кутубхоналарида яна ҳам улкан бойлигимиз жамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини ҳилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Дав-

лат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устулгини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди" деб қайд қилинган.

Иқтисодий билим асослари ўқув фанида "мулкни тасарруф этиш", "мулк эгаси" деган тушунчалар бор. Ҳар қандай мулк ўз эгасини топганда, тасарруф этилганда қадрланади. Мулк қайси шаклда бўлмасин, инсон манфаати учун хизмат қилади. Не машаққатлар билан яратилган, вужудга келтирилган мулк шакллари кўз қорачиғидек авайлаб-асрашимиз, уни авлоддан-авлодга бекаму кўст етказишимиз даркор.

Агар биз ўқитувчилар болага синф тарбиявий соатларида, ўзаро мулоқот ва учрашувларда мулк ҳақида тушунча бериб, ундан фойдаланишда эҳтиёткорликни, тежамкорликни ўқитсак, бунинг таъсири ўларок, парта ва стуллар, дераза ва эшик ромлари, деворда турли эълон ва ёзувлар пайдо бўлмас эди. Тарбияда дахлдорлик ҳиссини пайдо қилиш — ўз қўлимизда. "Бу мулк меники, бинобарин, ҳамманики", деган туйғуни ҳосил қила олсак, ёш авлод қалбиде давлат ва жамоат мулкига нисбатан тўғри муносабатни шакллантирган бўлаемиз.

Бахтиёр ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси

Хунарманд ўқувчилар

вақтини мазмунли ўтказмоқда

Уста Истамқул Раҳимов шогирди олиб келган ёғочга бир қарадию, уни "дам" олиши учун сувга бўқтирди. Тажрибали хунарманд жараёнга ҳам қизиқиб, ҳам ҳайратланиб қараб турган болакайга бирор нарсаси асайдан аввал ёғочнинг тури, ёши ва пишиқлигига алоҳида эътибор бериш лозимлигини ўқитди. Истамқул домла ўқувчиларга хунармандлик сир-асрорларини ўргатишдан асло чарчамайди. Унинг ўғил-қизлар даврасида ясаган бир-биридан бежирим буюмларини ҳақиқий санъат асари дейиш мумкин...

Китоб туманидаги 33-мактабнинг технология фани ўқитувчиси Истамқул Раҳимов раҳбарлигидаги "Ёғоч ўймакорлиги" тўғараги доим болалар билан гавжум. Мактаб қошида ташкил этилган мазкур тўғарақ аъзолари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўқувчиларга хунармандликнинг ноёб сирларини ўргатаётган, бўш вақтини касб-хунар эгаллашга йўналтираётган қўли гул устадан ота-оналар ҳам миннатдор.

— Болага касб-хунарни мажбурлаб ўргатиб бўлмайди, — дейди Истамқул Раҳимов. — Шу боис тўғараққа ўқувчиларни жалб этишда мактаб психологидан бир-галиқда ишлаймиз. Болада ёғоч ўймакорлиги ёки дурадгорликка қизиқиш борми, демак, унинг қобилиятини ривожлантириш лозим. Тўғарагимизга янги келган болага дастлаб ёғоч турларини, қайси ёғочдан қандай буюм ясаш мумкинлигини ўргатамиз. "Бўладиган бола бошидан", деганларидек болаларнинг қайси бирида усталик-

ка қобилият борлиги кўп ўтмай аниқ бўлади. Нурбек Салимов, Некрўзбек Холов каби шогирдларим бугунги кунда ҳар қандай уй-рўзгор буюмини, ҳатто эшик-ром ясашни ўрганиб олган. Уларнинг келажақда етук хунарманд бўлишига ишончим комил.

Мактаб директори Иноятилла Иззатиллаев тўғарақ фаолиятини ривожлантиришга бош-қош. Унинг ташаббуси билан устахонага ёғочга турли геометрик шакл берувчи мослама, электрон чарх, арралаш, силлиқлаш ва тешиш ускуналари ҳамда дурадгорликда керак бўладиган жиҳозлар олиб келинди. Ўқувчилар ушбу ускуналардан фойдаланган ҳолда ўймакорлик асосида ишланган лавҳ, эшик-ром, лаган, курси, қутича, сандиқча, шамдон, вазаси, оштахта, элак, галвир каби уй-рўзгор буюмлари ясашмоқда.

Туманининг Варганза қишлоғида жойлашган 54-умумтаълим мактабида ҳам "Варганза чеварлари", "Пазандачилик", "Ўлкашунослик", "Каштачилик" ҳамда "Дўппидўзлик" каби тўғарақлар фаолият юритмоқда. "Дўппидўзлик" тўғарақига мактабнинг технология фани ўқитувчиси Зулфира Раҳмонова раҳбарлик қилади. Тўғараққа 50 нафар қиз жалб этилган. Қизлар бу ерда "Ироқи" ҳамда "Тожики" қалпоқ, "Санам", "Гулқалон", "Шопи-қилич", "Бодом гули", "Анор гули" каби кашта турларини тикишни кунт билан ўрганишмоқда.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Суратларда: Китоб туманидаги 33- ва 54-мактабларда ташкил этилган тўғарақлардан лавҳалар.



2017-yil 6-sentabr, № 71 (9032)

Sharof Rashidov tavalludining 100 yilligi oldidan

Тақдиринг кўчаси кимнингдир номи, эзгу амаллари сабаб чароғонлашса, кўрган-кечирган, эришганларингда пок ниятли кишиларнинг ҳам улуши бўлса, ўтган умрингга ачинмаскансан. Гарчи болалигимда бир марта кўрган, сўнг шаарфли номини улғайганим сайин бот-бот эшитган эсам-да, Шароф Рашидов ҳақидаги хотираларим ҳамон ўчмаган.

Ўтган асрнинг эллик олтинчи йили отамиз Шукур ака, онамиз Робия опа хонадонидида туғилган эгиз гўдакларни суюнчилаб келган Мирзомиддин амакимиз икки кило чикар-чикмас чақалоқларни кўриб, "Одам бўлармикан-а булар, Шукурбой?" дея кўрманасини узатади. "Ака, ҳали кўрасиз, сизни "гирай" қилади-ку эгизларим, "гирай"! Кейин уялиб қолманга..." дея аранг шодлигини босади отамиз. Падаримиз айтгани ўнг келдимиз ё Яратганинг бир бурдагина жишларга раҳми келдимиз, ҳар тугул насибамиз узилмабди. Ёшимизга ёш, бўйимизга бўй қўшилиб, улғаявердик. Амакимиз Мирзомиддин табиатан меҳнатқаш,

қахрамони бўлдилар. Отамиз эса "Айтгандим-ку, ака! Қизларим сизни "гирай" қилади, деб!" дея анчагача суюниб юрдилар.

Йиллар ўтиб, балоғатга етгач, орзумиздаги институтларда ўқидик. Кутубхоначилик факультетини тамомлаш арафаси, диплом иши ёзиш ташвишлари, ҳимоя жараёнлари ҳам Шароф Рашидов номи билан боғлиқ иккинчи хотирага айланди. Мавзум қизиқлиги, анча тер тўққанамгами, устозларимдан илиқ фикрлар эшитдим. Ҳимоя олдида институтга ҳукумат комиссияси келаркан, диплом ишлари ҳимояси билан давлат имтиҳонларига кираркан, деган узун-қисқа гаплар гимирлаб

Меҳригиёси бор эди

ерга бир уруғ қадаб, ўн қилиб оладиганлардан эди. Эл катори болалигимиз амакимизнинг пахта далаларида ўтди. Ўқиниям, мактабниям қўймадик, даладаги ишларниям. Амакимиз тумандаги илгор пахтакорлар сафиди юрар, отга минганча ҳар бир теримчининг ишини кузатишга улгурар, эгалларда бегона ўтдан нишон ҳам кўринмасди. Ҳатто, гўмайнинг илдизини охиригача қовлаб, дала четига чиқармагунимизча тинчтмасдилар.

Ҳар йили далаларимизни кўриб, пахтакорлар билан учрашгани юрт раҳбари Шароф Рашидов келарди. Амаким икковлари дўст эдилар. Одатда, меҳмонлар колхоз боғининг ўртасидаги саройда кутиб олинарди. Бир куни катта йўлнинг четидида далада чопиқ қилаётгандик, "Хорманглар, қизларим!" дея беш-олти ҳамроҳлари билан Шароф Рашидов келиб қолди. Ҳамма билан бир-бир саломлашиб, ҳол-аҳволини сўрагач: "Биз ҳам ёшлигимизда шундай ишлардик. Қани, эсимдан чиқмадимикан?" дея қўлимдаги кичкинагина кетмончани олгач (ўшанда 13-14 ёшларда эдим), чамаси бир метрча жойдаги гўзалар атрофини чопиб, "Хайрият, ёдимда экан!" дея кетмончани хушҳол қўлимга тутказганларини эслаймак. Қаршимиздаги раҳбарнинг ўта самимий муомаласи, нима табассуми, оталарча меҳрибонлиги сабабми ҳеч бир чопиқчи суҳбатдан ўзини тортамади, ийманмади. Дўсти билан гурунглашаётгандек бафуржа дилидагини тўкаверди...

Уша йиллари амакимиз Мирзомиддин Исоқулов меҳнат

қолди. Кафедра мудиримиз "Ҳимоянгни комиссия олдида қиласан!" дея қаттиқ тайинлаганига астойдил тайёрландим. Синов куни ҳам келди. Ректор бошчилигида етти кишилик текширувчилар жамоаси хонада кўр тўкиб ўтирарди. Нақ 45 дақиқа тинмай гапириб, мавзум ичига қандай кириб кетганим ўзимга ҳам билинмади ҳаяжонда. Келган тафтишчилар ишимни алоҳида эътироф этиб, шу институтда ўқитувчи бўлиб қолишимни тавсия этди ва институт раҳбариятига ҳам шундай кўрсатма берди. Шароф Рашидов топшириги билан тузилган комиссия сабаб нон-насибам пойтахтга боғланди, тақдир чиққларим ҳам шу ерга туташди.

Айни пайтда мен фаолият юритаётган Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси биноси ҳам Шароф Рашидов лойиҳаси, раҳбарлигида бунёд этилган. Москванинг Виборг шаҳридаги Марказий кутубхонани кўриб қайтган раҳбар ўзимизда ҳам илмий-амалий фаолият учун худди шундай махсус кутубхоналар бўлиши зарурлигини, уларда олимлар, ёш тадқиқотчилар изланишлар олиб бориши кераклигини англаб, бундай хайрли ишга қўл урган экан. Вақт ўтиб, сездимки, бир кишининг маданияту санъат, илм-фан, ижодий фаолият учун қилган ҳиммати минглаб, миллионлаб инсонларнинг йўлига йўлчирик бўларкан. Бундан ортиқ хайрли амал йўқ, менимча.

Зухра БЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонаси директори

Эр йигитнинг жони — Ватанда...



Халқимиз донишманд. Бир жўмардинг мардлигини кўрса, «юрагида ўти бор», жўшқинлигини пайқаса, «кўзлари ёниб турибди», дейди. Қанча китоб титкиламанг, бунинг илмий асосини тополмайси. Нега юрак «ёнади»? Нега кўз «чақнайди»?

Тиб илмининг моҳир билимдонидан тортиб, осмон ёриткичларининг етук мунажжими ҳам бу жумбоққа ечим топа олмаб.

Физиканинг шундай қонуни бор: жисмларнинг иссиқлиги уларнинг ички ҳаракатидандир. Шу қоидага таянса, инсон қалбида уни яшашга, фикрлашга, севишга ундаб турадиган илоҳий куч борлигига тақрор амин бўламиз. Айни шу жараёни сўндириб қўймаслик, уни доимо қувватлантириб туриш эса ҳар биримизнинг дунёқарашимиз, тушунчамизга боғлиқ.

Сўз, адабиёт ана шундай туганмас қувват манбаидир. Баъзан муҳаббат ҳақидаги гўзал асарларни ўқиб, руҳингиз покландса, ўтли шеърларни мутлоа қилиб, дилдан тозарасиз.

Шоир Азим Суяунинг «Тутқун» номили шеърини мактаб дарслигидан ўқиб, титраб кетганим ёдимда. Фанимлар тутқунни йиғлатиб, унинг кўзёшларидан баҳра олмакчи бўлишади. Унга, онангдан айрилдинг, дейдилар. Тутқун бошини баянд кўтариб, мағрур боқди. Душман хийлагар эди. Тагин, ёрингдан ҳам айрилдинг, дейди. Тутқун мағрур эди. Ҳазабга тўлган ғаним ақинларидан бирма-бир жуздо бўлган инсоннинг бардошига тоқат қилолмай, сўнгги чорага ўтади. Мана ўша манзара:

**Қасоскор хабарлар
билмас ҳад,
Ватандан айрилдинг,
дедилар.
Ва унинг кўзиди
сўнгги дард
Қатра ёш кўрмоқчи
эдилар.**

**Қатра ёш бир
қалқиди...
Жон эди ўша ёш...**

Онадан айрилмоқ — меҳрга ташна ўтмоқлик, ёрдан айрилмоқ — ишқисиз яшамоқ азобиға тенг. Агар бу ҳислар инсон ҳаётидаги энг олий туйғулар бўлганида эди, тўқин аллақачон жон таслим қилган бўлмасмиди? Демак, юртдан айрилиш жондан айрилишдан ҳам оғир ва изтиробли.

Ёзувчи Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номили ҳикоясини ўқиган киши бехос номсиз туйғуларга ном топгандай бўлади. Озгина бўлса ҳам Ватан туйғусини самимий ва чуқур хис қилган ўспирин билан бирга ҳаёт кечиради.

Бу кўчада Янгулидан эъри йўқ эди: чайирбадан, қўллари узун-узун, нақ азроилнинг ўзи. Унинг кўрагида лотин ҳарфларида "Hellados" деган ёзув бор. Отасининг айтишича, бу жой унинг асл Ватани экан.

Бир куни Янгулини жуда хомуш кўришди. Айтишича, уч кундан сўнг Сухумига Грециядан пароход келиб, уларни ўз ватанига олиб кетишар экан.

— Аммо мен кетмоқчи эмасман, — дейди у.

— Нега? — деб сўрайди дўсти Жамол.

— Қандоқ тушунтирсам экан, — гап бошлайди Янгули. — Онам йўқ, ҳатто эслолмайман ҳам. Отам уззукун томорқада ёки тирикчилик ташвишида. Мен шу кўчада катта бўлдим. Менинг Ватаним, менинг Элладам бу — Сухуми, кўча, Чалбаш; бу — Кока, Петя, Курлика, Фема, Қорадегиз, кўприк... У шу тарихи кўнглига яқин инсонларни, жойларни санаб ўтади.

Жамол Янгулининг кўрагини очиб, ундаги «Хелладос» нима эканини сўрайди.

— Бу нақш, Жамол. Ватан ичкарироқда, нақ юракнинг ўзиди! — Янгули қўлини кўксига қўяди...

Демак, Ватан — бу тушунувчи дўстлар, қадрдон хотиралар, ич-ичингдаги кечинмалар...

Бир воқеа сира кўз олдимдан кетмайди. Қўшнимизнинг ховлисиға кўчат экишди. Айтишларича, узоқ саҳродан олиб келишибди. Негадир у кўп ўтмай қурий бошладди. Ҳамма ҳайрон. Ахир, сувсиз, қақраган ердан олиб келиб, унумдор ерга экишсаю, тагин қуриб қолса?

Йўқ, илдиз отган жойни ташлаб кетиб бўлмас экан. Агар шундай қилинса, юракка қувват бериб турган жон томир узилади. Ўшанда шўрлик дарахт ҳаёлимда аянчли бир ҳолни гавдалантирган эди:

**Кекса қайрағочнинг
Илдизин очиб,
Тортдилар қўш
аркон солиб белидан.
Лекин у тупроққа
панжасин санчиб,
Сира кўзгалмасди
Унган еридан...**

**Нихоят гурс этиб
ерга қулади,
Бутаб, сўнг кўтариб
кетдилар, бирок —
У ўз панжасида
олиб жўнади
Яшаган еридан
Бир сиқим тупроқ.
(Эркин Воҳидов)**

Шу ўринда ватанпарварлик руҳидаги ўнлаб шеър ва ҳикояларни келтириш мумкин. Аммо уларнинг барини ҳар ким ўз юраги, руҳияти билан ўқиши, хулоса чиқариши керак. Шундагина инсон иродаси ҳар қандай таззуулларга бардош бера олади. Яшашдан асл мақсад нима эканини ўзича тушуни етади.

Шоир ёзганидек, биз ўқиган эртақларда ёвуз кишилар ўз жонларини тухумда, игнанинг учиди, темир сандиқларда асрайди. Уларни қўлга киритсангиз тамом, золимнинг кўни битади. Ҳақиқий эр йигит эса ўз жонини фақат Ватанида сақлайди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ

Атиргулар — муҳаббат рамзи

Гуллар ҳақида гап кетганда ҳар ким ўзига хуш ёқадиган гулни тилга олади: кимдир лола, бинафша, яна кимдир орхидеяни. Аммо дунёда шундай гул борки, уни ёқтирмайдиган, ёқимли ифоридан баҳраманд бўлмаган кишини топиш мушкул. Уни бежиз ошиқлар муҳаббат рамзи демайди. Бу — атиргул.



Манбаларда келтирилишича, атиргул ўстиришни илк бор қадимги римликлар бошлаб берган. Ўша вақтларда гуллардан кўра фойдали ўсимликни ўстиришга талаб юқори бўлса-да, одамлар орасида ҳам, саройларда ҳам атиргул кадр-қиммати ни сақлаган. Ўша вақтда яшаган рим ёзувчиларининг асарларида атиргулнинг ўнга яқин тури ҳақида маълумот учрайди. Хусусан, милотдан олдинги V асрда яшаган Ҳеродотнинг «Тарих» асарида македониялик подшоҳ Мидосанинг боғлари ҳақидаги биткиларда серяпроқ атиргулар тилга олинган. Шу даврнинг яна бир ижодкори Теофраст эса Греция боғларида кўрк бағишлаган 15, 20, ҳатто 100 гулбаргли атиргулар ҳақида ёзиб қолдирган. Бундан ташқари, Буюк Карл ўз хизматкорларига саройини хушманзара ўсимликлар, хусусан, атиргулар билан безашни буюргани манбалардан маълум.

Айтиш жоизки, атиргулар ҳамisha «шоҳона иззат»да бўлган. Улар оддий дала гуллари сингари гулчамбарларни эмас, балки ҳашаматли саройлару сўлим боғларни безаган. Ҳатто Италия рассомлари асарларида ҳам қирмизи атиргулар билан безатилган тасвирларга гувоҳ бўлиш мумкин. XIX аср охирига келиб унинг янгидан-янги навлари етиштирилиб, дунё бўйлаб тарқала бошлади.

Бугун эса атиргулнинг сон-саноксиз турлари бор. Уларнинг аксарияти бир қанча ёввойи наъма-так навларини частиштириш йўли билан ҳосил қилинган. Улар орасида ўзига хоси қат-қат япроқли атиргулар бўлиб, Францияда кенг тарқалган галль атиргуларининг авлоди ҳисобланади. Бу турдаги гулларни ўстириш Қадимги Вавилон, кейин эса Қадимги Рим ва Греция давлатларида бошланган. Мазкур тур XIII асрда Францияга кириб келганидан сўнг атиргулар тарихида янги давр бошланди. Шом атиргуллари ва оқ атиргулар ҳам бошқа навлар билан частиштирилган галль атиргуллари маҳсули экан.

Боғ атиргулларининг пайдо бўлиш тарихи XVIII аср охири XIX аср бошларига бориб тақалади, яъни Осиёдан Европага келтирилган иссиқсевар атиргул нави билан боғлиқ. Айни безакбоп кўринишга эга гулнинг баргларидан чой исини эслатувчи ёқимли ифор таралиб туради. Қалин ва ялтироқ барглари, гўзал шакли гулчалари, айниқса, узоқ вақт гуллаб туриши ҳар қандай гўшага кўрк беради. Бу

фаройиб навдан илҳомланган мутахассислар Осиёнинг узоқ гулдайдиган атиргулини Европанинг совуққа чидамли атиргулларига пайвандлаш орқали янги нав яратишга киришди. Ниҳоят, XIX аср бошида ана шундай ноёб тур пайдо бўлди.

Халқаро кодексга мувофиқ маданий ўсимликлар асосий устун жиҳатлари асосида номланади. Кўпинча ҳар бир тур барчага маълум ягона ном билан рўйхатдан ўтказилади. Одатда, тақдим этилган нав учун бир неча номлар орасидан энг қадимийси танлаб олинади, қолганлари эса унинг синонимлари сифатида қўлланилади. Унутилган ва эскирган номлардан эса фойдаланилмайди. Ҳозир янги навга муаллиф исми ва санани қўшиб номлаш одатга айланган. Масалан, Rosa 'Maggie' Rudolf Geschwind, 1900; Rosa 'Maggie' Meiland International, 2003 сингари.

Маълумки, ҳар бир ўсимликка ном бериш билан бирга уни си-



фатлаш ҳам зарур. Бунинг учун тақдим этилаётган ўсимлик тур ёки гуруҳ мезонларига тўла жавоб бериши лозим. Сифат белгиси ўсимлик номи билан қўшиб ёзилади ва битталиқ кўштирноққа олинади. Масалан, Rosa 'Harlekin' каби. Муҳим жиҳати шундаки, бошқа тилларда ўсимлик турининг номи ўзгариши мумкин, аммо сифат белгиси таржима қилинмайди. Ҳозир атиргулларнинг замонавий навлари асл муаллифлик номи ва кўп сонли синонимларига эга.

Аксарият уй бекалари ҳовлисида чиройли гуллар, жумладан, атиргулнинг энг сара навларини ўстириб, барчани лол қолдиришга интилади. Аммо атиргулларнинг юзлаб турлари орасидан энг ноёбларини танлаш осонмас. Улар бир-биридан нафақат шакли, ранги, балки тулларининг катта-кичиклигига кўра ҳам фарқланади. Яна атиргул навларини танлаётганда, унинг кўп гуллаши, зараркунданлар, касалликлар ва совуққа чидамлилиги ҳақида ҳам унутмаслик лозим.

Бунинг устига, атиргулнинг ҳовлида экиладиган ўрнини олдиндан белгилаб олган маълум. Нафис гуллар уйнинг асосий қисмини безаши, чиройли манзара касб этиши ва бошқа ўсимликлар билан умумий композиция ҳосил қилиши ёки жозибали девор вазифасини ўташи ҳам мумкин.



Bilasizmi?

«Тунд қиролича» 'Tuscany Superb' ('Double Velvet', 'The Velvet Rose')

Қадимги галларнинг сеvimли атиргуллари билан бўлган 'Tuscany Superb' махсус бинолар атрофидаги боғлар, дорихоналар ҳовлисида ўстирилган ва даволовчи восита сифатида кенг тарқалган. Бу нав ҳозирги кунда янада ноёб саналади. Айтиш жоизки, боғ атиргулларининг ҳеч бири у каби тўқ қизил ранги ва узоқ вақт гуллаши билан мақтана олмайд.

«Тунд қиролича» ўзига хос жозибаси билан ажралиб туради. У қадимги атиргулларнинг энг тўқ ранглиси. Унинг тўқ қизил гулларию майин гулбарглари ёрқин чангилар бежаб туради. Улардан тараладиган хушбўй ифор эса кишини ўзига ром этади.

Англияда мазкур турдаги атиргулларни сотадиган кўчатхоналарга «Энг қиммат боғ» таърифи берилган ҳам бежиз эмас. Боғбонлар қаддини гўз тутиб, гердаийб турувчи «тунд қиролича»ни кишини лол этувчи гўзал гулчаси ва деярли тикансиз танаси учун ҳам қадрлайди.

Ер юзиде бу турдаги атиргулнинг ишқибозлари бисёр. Унинг мафтункор хуснига махлиё бўлиб, нафис ифоридан маст бўладиган, атиргулнинг ўз ҳовлисида жилваланиб туришидан яйрайдиган инсонлар талайгина. Бордию сиз ҳам уни ўз гулзорингизга эксангиз, асло афсусланмайсиз. «Қиролича» гарчи «тунд» қиёфада бўлса-да, кайфиятингизни чоғ қилади.

«Сирли хурлиқо» 'Hommage a Barbara' ('Heinz Winkler', 'DELchifrou')

Ушбу атиргулни ҳеч муболагасиз «беқиёс» деб таърифлаш мумкин. Бу тур ҳамма жиҳатларидан кўра, гулларининг ажаботувор шакли билан киши этиборини тортади. Одатда, гуллар унга узунлиги ва кенглиги, ҳажми, барглари сони сингари стандарт мезонларга қараб баҳо беради. Бироқ атиргулар қандайдир меъёр ва ўлчовлардан бандроқ туришини ўз кўзингиз билан кўрмай туриб ҳис қилолмайсиз. Ушбу атиргулнинг шакли ниҳоятда «сирли» — гўё қат-қат япроқлари тубида марварид яшириб олгандек.

У узоқ вақт очилиб туради, ҳавога тез соврилиб кетмайди. Ифори ҳам узоқ сақланади. Уни ёлғиз кўчат ҳолида ҳам, бир тўп гуллар

орасига ҳам экса бўлади — барқ уриб гуллайверади. Шунда камтар атиргулнинг қанчалар нафис эканини бошқа гуллар билан солиштириш имкони тугилади.

«Ҳавойи гўзал» 'Sommerfreude'

Атиргулнинг бу тури Хитой шойисиде акс эттириладиган гуллар каби нозик ва нафис. У бир қарашда чиннидек мўрт кўринади. Майин оч пушти гуллари, бир ерда тўпланган кичик тўпгуллари ўз рангини ўзгартириб туриши, бир қарасангиз кумуш-пуштию яна бир қарасангиз, қип-қизил тусга кириши мумкин. Бироз олдинга эгилиб турадиган боши гўё химоясиздек таассурот қолдиради. Енгил ифори бўлса, кўнгила аллақандай соғинч ҳиссини уйғотади.

Атиргул боғдан турғун ва мустаҳкам жой олади. Уни дам олиш жойига яқинроқда, уйдан узоқ бўлмаган гулхона ёки ичмам гулзорда ўстириш мумкин. Фақат ёнидаги гуллар дид билан танланган бўлса, бас. Ахир нозик атиргулларнинг «дугона»лари ҳам унга муносиб — гўзал бўлиши керак-да!

«Назокатли леди» 'Perennial Blue'

Бу нав, шубҳасиз, қирмизи-бинафшаранг атиргулларнинг энг аълоси. Атиргулнинг ноёб ранглари бу каби гўзалликни аввал кўрмаган ҳар қандай кишида унутилмас таассурот қолдиради.

Бу ҳайратга атиргулнинг мавсум давомиде бир неча бор йирик попул ҳосил қилиб гуллаши ҳам сабаб бўлади. Қизиги, бинафша-пушти рангдаги майда гуллари кейинроқ бинафша-кўк тусга кириб олади. Ширин ифори эса узоқ-узоқларга ҳам таралиб туради.

Атиргул новдалари узунлиги 2,5-3 м.гача боргани боис, уни тиргакка суяб қўйиш зарур. Аслида, бундай атиргулар ишқом, арка, ҳатто панжараларга худди узум токи каби таралади. Хушбўй ифорлар оламида димоғингиз чоғ бўлиб яшайверасиз.

«Дилбар немис аёли» 'Schone Koblenzerin' ('Marie Rottrova', 'Anne Roumanoff', 'Ruby Ice')

Немис аёллари аслида гўзаллик борасиде доим ҳам мақтана олмайд. Аммо атиргулга дилбар немис аёли дея сифат берилиши кишини таажубга солади: у қандай гул бўлди?

Бу ноёб тур майда гулли атиргулларнинг энг гўзалидир. Унинг эни ва бўйи ҳайратланарли тарзда бир-бирига мутаносиб келади. Гўё уни моҳир уста зўр иштиёқ билан шундай мукамал шаклга келтиргандек лол қоласиз. Балки она қиз-биатнинг меҳри тушиб, гўзал қизларининг сочини майдалаб «ўриб қўйгани» шудир...

Гулларининг ҳажми унчалик катта эмас, бироқ шу қадар кўп тўпгуллардан иборатки, санаб адоғига етолмайсиз. Малина рангдаги гулбарглари кумуш-оч сариқ тусдаги таг қисмию бенуқсон барглари ни томоша қилиб яшариб кетасиз. Бозорларда ҳам бу тур ниҳоятда машҳур ва харидорғирлиги билан ажралиб туради. У ҳар қандай гулзор ва декоратив ўсимликлар композициясига ўзгача кўрк беради.

Ирода ТОШМАТОВА
тайёрлади.

2017-yil 6-sentabr, № 71 (9032)

ОЙ НЕГА СИЛКИНАДИ?

Япон ва француз олимлари биргаликда Ой силкиниши механизмини ўрганди. Тадқиқот натижалари «Journal of Geophysical Research: Planets» журналида чоп этилди.



«Phys.org» манбасида келтирилишича, мутахассислар бунинг учун дастлаб «Аполлон» миссияси сейсмографлари 1969—1977 йилларда қайд этган 131 та Ой силкиниши, сайёралар сунъий йўлдошининг zilzilалар аналогларини таҳлил қилди.

Маълум бўлишича, бундай силкинишлар Ер ва Ой ўртасидаги ўзаро таъсир кучи ҳамда сайёраизмдаги уммон сувларининг кўтарилиб тушиши натижасида юзага келади. Шунингдек, геофизиклар бир ойда бир марта юз берадиган тебраниш манбалари 800—1200 километр чуқурликда жойлашганини, Ойнинг силкиниш магнитудаси 2 балдан ошмаслигини аниқлади.

Бу изланиш аввалгиларидан шуниси билан фарқ қиладики, олимлар биринчи марта паст ва юқори частотали тебранишларни қайд этган икки сейсмографнинг ўқилишини бирлаштиришга муваффақ бўлди. Бу нафақат Ой силкинишларининг аниқ сабабларини топиш, балки Ерга яқин йўлдош саналган Ой мантиясининг ҳарорати тахминий ҳисоб-китобдагидан кўра пастроқ эканини аниқлаш имконини берди.



ейиш буюрилди. Орадан ярим йил ўтгач, аёлларда зарарли холестерин 23 фоизга камайгани аниқланди. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири ўртача 1,5 кг озди.

Олма таркибида онкологик касалликлар келтириб чиқарадиган «эркин радикаллар» деб аталувчи моддалар таъсирини зарарсизлантира оладиган катта миқдордаги антиоксидантлар мавжуд. Шунингдек, унинг таркибидаги органик бирикмалар — тритерпеноидлар сут безлари, жигар ва йўғон ичкада саратон ҳужайралари ўсишига барҳам беради. Бу мева ошқозон-ичак йўллари касалликларининг ҳам олдини олади.

Олма таркибидаги бириктирувчи модда инаклар фаолиятини яхшилайди, уларнинг микрофлораси саломатлигини таъминлайди ва қабзиятнинг олдини олади. Органик кислоталарга бой таркиби овқат ҳазм қилишни яхшилайди.

Дарвоқе, олимлар олманинг уруғини ейишдан тийилишни тавсия этмоқда. Боиси, олма уруғи таркибида зарарли глюкозид амигдалин моддаси бор.

МИЯНИ ЕМИРУВЧИ МАҲСУЛОТ АНИҚЛАНДИ

Америкалик олимлар кўп миқдорда туз истеъмол қилиш ва организмдаги когнитив бузилишлар ўртасида боғлиқлик борлигини аниқлади. Бу ҳақида «American Journal of Clinic Nutrition» манбасида ёзилди.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг қайд этишича, бир кунда 3-4 граммдан ортиқ туз истеъмол қилмаслик лозим. Ушбу кўрсаткичдан ортиқ ҳажмдаги туз истеъмоли бош мия томирлари, унинг чуқур тузилмаларидаги алмашинув жараёнини кескинлаштиради.

Кардиологларнинг сўзларига кўра, аксинча — ош тузидан тўлиқ воз кечиш ҳам организмга зарар келтириватади. Тузсиз овқатланиш моддалар алмашинуви ва кислота-ишқор мувозанатининг бузилишига олиб келади.

ИНСОН ҚАНЧА УМР КЎРИШИ МУМКИН?

Нидерландиялик олимлар инсоннинг максимал умр кўриши даражасини аниқлади. Бу ҳақида маҳаллий Тилбург университети сайтида хабар берилди.

Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, аёллар 115,7 ёш, эркаклар 114,1 ёшгача яшashi мумкин. Экспертлар сўнгги 30 йил мобайнида вафот этган 94 ёшдан ошган 75 мингдан ортиқ нидерландияликнинг умр кўриш давомийлигини статистик таҳлил қилиб чиқди.



Эслатиб ўтамай, жорий йилнинг июнь ойида канадалик олимлар аниқлаган Ер юзидagi барча узоқ курувчиларнинг ўртача умр кўриш даражаси 2016 йил октябрда америкалик шифокорлар эълон қилган тадқиқот статистикасига нисбатан юқори эканини кўрсатди. Яъни, узоқ умр кўришнинг ўртача даври 115, мутлақ чегараси эса 125 йил деб баҳоланди.

Ер юзидa яшаган, туғилиш ва ўлим кунлари расман тасдиқланган энг кекса одам 1997 йил августда вафот этган француз аёли Жанна Кальман бўлиб, у 122 йилу 5 ой ва 14 кун яшаган.

ҚУЁШ СИСТЕМАСИДА ЯНГИ ЖИСМ

Европа космик агентлиги «Гаиа» лойиҳаси олимлари «Gliese 710» тўқ сариқ митти жисм Куёш тизимининг тортишиш чегараларига кириб қолганини қайд этди. Бу ҳақда агентлик сайтида маълум қилинди.

Ҳисоб-китобларга кўра, тахминан 1,3 млн йил ичида «Gliese 710» Куёшга тахминан 16000 астрономик бирликда яқинлашади. Бу тахминан Куёшдан Оорт булутигача ёки Куёш системасидаги астероидлар, кометалар ва планетоидларнинг ўз ичига олган масофага тенг. Бошқа томондан Куёш системасининг чегараларини белгилайдиган Хилл сферасининг радиусидан бир неча марта кичикроқдир.



«Gliese 710»нинг Куёшга яқинлашиши самовий жисмлар орбиталарининг тортишишига сабаб бўлади, баъзида Ернинг Куёш системасига силжиши бошланади. Шундай ҳулосадан кейин олимлар «Гаиа» каталогининг иккинчи нашрини ишлаб чиқди. Унда Сомон йўлидаги ярим миллиарддан ортиқ юлдузларнинг жойлашиш ўрни ва ҳаракати ҳақидаги маълумот ўрин олган.

Куёш тизимининг чегаралари икки йўналишда белгиланиб, дастлабки си нурланиш гелиосфераси ва сайёраизм атмосферасининг магнит аналогини юлдузларро майдондан ажратиб турадиган минтақа ва иккинчиси Хилл сферасининг чегараларини аниқлашга қаратилган.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ, Зарина АЛИМОВА тайёрлади.

ЕРГА УЛКАН АСТЕРОИД ЯҚИНЛАШДИ

Флоренс (Florence) гигант астероиди хавфли масофада Ер юзидан учиб ўтгани ҳақида «CNN» манбасида маълум қилинди.



Олимлар кузатувларига кўра, мазкур самовий жисм сайёраизмдан атиги етти миллион километр узоқликдан ўтди. Бу масофа Ердан ойгача бўлган масофадан тахминан 18 марта катта. Гигант астероиднинг диаметри беш километрга етади.

НАСА мутахассисларининг эътирофича, Флоренс (3122) космик агентлик ходимлари яқин тарихда қайд этган «энг катта объект»дир.

Эслатиб ўтамай, АҚШда бундай кузатишлар XX асрнинг 80-йиллари охирида бошланган.

Флоренсни илк бор 1981 йили Австралияда Сайдинг-Спринг обсерваторияси ходими, америкалик астроном Шелте Жон Басс кашф этган. Самовий жисм рус-хрим уруши пайтида ярадорларга гамхўрлик кўрсатган тиббиёт ҳамшираси, британиялик жамоат арбоби Флоренс Найтингейл шарафига номланган.

САРАТОННИНГ «ШИРИН» ДАВОСИ

АҚШнинг Флорида штати университети олимлари олма урак-контонмир касалликларининг олдини олишини аниқлагани «Лента» нашрида ёзилди.

Мутахассислар бир йил давомида 45 дан 65 ёшгача бўлган аёллар иштирокида қондаги холестерин таркибини ўрганиш бўйича илмий изланиш олиб борди. Тадқиқот иштирокчиларига кунига 75 грамм олма қоқисидан



Эълон

Рустамбеков Исламбек Рустамбековичнинг 12.00.03 — Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро ҳусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича "Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш" (юримдик фанлар) мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил 15 сентябрь кўни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.
Тел./факс: (0-371) 233-66-36, 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Тарих факультети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори, тарих фанлари доктори Раҳбархон Муртазаевага волидаи муҳтарамаси

ЁҚУТХОН онанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

2017-yil 6-sentabr, № 71 (9032)

Онаминг ўзи, ўзгинаси...

Ёш элик ё олтмишга яқинлашгани сари болалигинг, шу чоққача қўрган эшитганларинг, қадрдонларингнинг жонбахш гурунгни кўмсайвераркансан. Онаминг бола чоғимиз айтиб берган чўпчаклари, уруш хотиралари хануз эсимда. Қиш чиласи сандал гирдида куҳ-куҳлашиб ўтирган болаларига урушда йўқотган яқинлари, ака-укаларини гапирайтиб, кўзларида ёш ғилтиллаётган онаминг маънос чеҳрасини эслаб, ичим музлаб кетади. Отамдан кўра кўпроқ онамга суянардим. Босиққина, турмуш ташвишидан нешонасига эрта ажсин тушган онаминг ҳар сўзи кўнглимдаги чигилларни зумда ёзар, мунг тўла овозини эшитсам, атрофимдасиларни буткул унутардим. Онам уруш тугаганига ўн йиллар ўтган бўлса-да, фронтда бедарак кетган Маҳмасодиқ деган инисини ҳамон кутарди. Қишинг совуқ, узун туналари ҳовлида отамнинг адрас чопонини боши аралаш елкасига ёппиб, дийдираб ўтирарларди. Гўё укаси дарвозадан чарақлаб кириб келадия онасини шартта бағрига босади...

Бир куни кўшни Кўйсинтош холам билан кўшилиб, болалиги ўтган Каттакўтон томонга отланишди. Бир кеча каттакўтонлик Хайринисо дугонасиникида тунаб қолишларини айтиб, шодон жўнашди. Зора, кўнглидаги хижилларини ёзиб қайтса, деб кузатиб қўйдик. Лекин кеч қирмасидан икки дугона тўрваларини маҳкам қучоқлаганча, кўзлари қизариб, шишиб кириб келишди. Сабабини сўрасак, тиш ёришмади. Маънос кўзларида ёш айланади. Салдан кейин Кўйсинтош холам тилга кирди:

— Каттакўтон қирлари

уруш йиллари кўпчилигимизни очарчиликдан сақлаб қолган. Унгурдан қоқиқут, ялпиз, ғўзабош, равоч, татирон, тўппон териб, қорин тўйғизардик. Кўйларни қўшоқлаб соғардик. Фронтдагиларга шўртанг пишлоқ тайёрлаб жўнатардик. Қаҳатчилик кўлга келган тўй эди. Қорнимиз бирда оч, бирда тўк бўлишига қарамай, шўх-шодон ўйнаб юрарлардик. Дугоналаримиз Кундузой, Улуғой, Хосият, Турсунтош, Ҳожарой, Сабоҳат, Бибиражабой, ўртоқларимиз Урин, Маҳмасодиқ, Қодиркул, Фанишер, Исмоил, Маҳмазокир, Абдиқодир, Эсонбой

Badia

билан бир оиланинг фарзандларидек эдик. Қишлоқдаги ишнинг ҳаммаси қариқаранг, аёллар билан болаларнинг елкасида, энг оғир юмушларни ҳам бўйин товламай бажарардик. Ишларимизни саранжомлаб, қирга югурардик. "Оқсуяк", "Чиллак", "Чоркес", "Қўвламачок", "Яшинмачок", "Бештош" ўйнайвериб чарчамасдик. Кунора овулга келадиган "қора хат"ларгина қийқириқларимизга қўланка соларди. Кеча ўша "Чоркес" ўйнаган қирларга бориб, болалигимизни топамизми дегандик, қайтага ўзимизни алдамиз. Кўй-кўзимизга қўшилиб, болалигимиз ҳам тоғнинг нариги томонига аллақачон ўтиб кетганини тан олгимиз келмай, боргандик. Ахийри, муродимизга етдик — болалигимизни тополмадик. Каттакўтон қирлари ютаман дейди. Бўзлаб-бўзлаб қайтавердик.

Ўшанда кўшни холаминг дардига унча парво қилмаган, одам қариганида болажўнғил бўлиб қоларкан-да, дегандим бепарво. Тунов куни девор-дармиён кўшнининг тўйида болаликдаги

дўстим Собиржонни учратиб, анчагача гурунглашдим у кўнглимнинг аллақайси четларида мудраб ётган ҳислар илкис бош кўтарди.

— Дўстим, — деди Собиржон хомуш тортиб, — яқинда болалигимиз ўтган Чучукбулоқ қирларида бўлдим. Қўй боққан, "Кўчмак" ўйнаган тошларнинг устида ўтирдим. Қани, бирортангизни тополсам! Гуруннинг шундай хумори тутди! Ич-ичим зирқираб кетди. Агар қолганларни ҳам дараклаб, бир ерга йиғсак, кейинги йили борсакми ўша ерларга, а? Би-и-и-р "Бекинмачок" ўйнайлик!

Минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг баҳори оёқлаши шаҳарга бормаса, тинчи йўқолади. Сафардан қайтган, опасини зиёрат қилгани уйимизга келди. Онам укасини узундан-узун дуо қилди:

— Дунё тургунча тургин, Пайзимуроджон. Ёлғиз суянчигим, ўлсам, тобутим олдида опам-опамлаб йиғлагувчи ўзингсан. Бошгинанг оғримасин. Ортимда қолгин-а!

Ўқтам МЕЙЛИЕВ

«Дўстлик» болалар оромгоҳи қадимий Хоразм гужумлари савлат тўкиб турган сўлим гўшада жойлашган. Аммо атрофда одам зоти яшамайди. Нукул дала, дала ва яна дала. Шундай бўлса-да, оромгоҳдан уйларига қочиб кетувчи болалар аҳён-аҳёнда учраб туради.

Ер остидан чиққан чумолидек эрталаб пайдо бўлган дехқонлар кун бўйи далаларда ғамирлашиб, кечкүрун зим ғойиб бўлади. Оқшом чўқанда оромгоҳнинг оромини ёлғиз сон-саноксиз чирилдоқларгина бузди. Бу ерда ҳамма нарса оддий ва одатий. Кунлар бир-бирдан фарқ қилмайди. Жазирамада болаларни бу ерда ушлаб турган нарса — ҳайратомуз баҳайбат гужумлар сояси ва эртақлар асосида сахналаштирилган томошалар бўлди. Ўғил-қизлар икки гуруҳга бўлиниб, топишмоқ айтишарди. Мактабда ўрганган топишмоқлари такрор айтавериш сийқаси чиқиб қолган. Эндиликда рақиб жоманинг бошини қотирувчи янги топишмоқ ўйлаб топишга уринишарди:

— Ўзи думалоқ, жунни йўқ. У нима?

— Маймун.

Кулгидан ичаклари буришган болаларнинг сафлари бузилиб кетди.

Оромгоҳдаги ҳаёт топишмоқ билан эртақка менгзарди. Топагон ва сўзамол болалар олқишлар оғушида маст, камгап ва тортинчоқлари эса кун санаб вақт ўтказишарди. Эртақ қаҳрамонлари ролини қойилмақом ижро қилганлари оромгоҳ «юлдуз»ларига айлиниб, тарбиячилар ардоғида эди. Бунёднинг уч бошли аждар билан олишув саҳнасини ошпазлар ҳам қозон-ўчоқни ўз ҳолига ташлаб томоша қилишарди. Ҳамма нарсада мусобақа, баҳс, тортишув: кимдир футбол қироли, кимдир саҳна юлдузи, яна кимдир балиқ ови голиби, қўлидан ҳеч иш келмайдиганлари ҳам оватқаларини вақтида тўхум уриштириб рақибдан устун келишга интиларди. Фақат бир бола ҳеч

Довжорак бола

Bo'lgan voqea

ким билан гаплашмас, ўзини четга олиб юрарди. Қорамғиз, паст бўйли, нигоҳидан бирон маънони уқиб қийин бўлган 11 ёшли боланинг оромгоҳда бор-йўқлиги сезилмасди. Ундан бошқаларнинг бари қайсиқидир жиҳати билан ўзича қаҳрамон эди. Унинг исмини ҳеч ким сўрмас, «индамас», «соқов» деб ҳамма уни масҳара қиларди. У қоровулдан тортиб бошлиқча ҳаммадан дашном эшитарди. Болалар унинг кийимларини атайлаб яшириб қўйишарди. Аммо у кулганини, жаҳли чиқиб, хафа бўлганини ҳеч кимга билдирмасди.

Оромгоҳ бошлиғи Кўклан ака «Газ-52» юк машинасининг шакллаб қолган тахта бортига балиқ ови анжомларини ортиб, йигирмага яқин бўз болаларга уловга чиқишни буюрди. Болалар икки нафар тарбиячи ҳамроҳлигида катта захкаш томон жўнади. Чанг йўлдан 15 чакирим илгариллаб, захкаш бўйидаги йирик тўронғил тагида тўхташди. Тўрни ёзиб сувга солиши биланоқ бир қаричча учар балиқлар сув юзидан сапчий бошлади. Завқи ошган ёш «овчи»лар қийқириб юборишди. Бир нечта балиқ типирчилаб тўрдан қирғоққа учиб тушди. Сузишни билладиган бўйдор болалар тўрни тўтиб ўзан ўртасида, кичикроқлари эса қирғоққа яқин саёзликда юриб қамиш ва ўт-ўланлар орасидаги балиқларни тўрга қаратиб ҳайдашга киришди. Захкашнинг чуқур ва ҳайбатли жойларига келганда ўта эҳтиёткорлик талаб этиларди. Чаққон болалар тўрга тушган балиқларни

қирғоққа итқитишар, сузишни билмайдиган бир неча бола қирғоқда юриб уларни қолга соларди. Икки чакирим ҳам юрмасдан икки қоп ҳам яримидан ошиб кўтариш қийинлаша бошлади. Овчиларнинг баъзилари ортга қайтишни, қолганлари эса шундай омадли овни давом эттиришни таклиф этиб баҳслашдилар.

— Олдинда ҳали катта балиқлар сузиб юрибди. Уларни ушласан кетамизми?

— Озмунча балиқ ушладикми? Исроф бўлади-ку. Бугунга етади. Эртага яна келармиз.

— Каттароғини ушласак, майдаларини қўйиб юборамиз.

— Майдалари аллақачон ўлиб бўлган. Ярим соатдан сўнг сасиб кетади. Тезроқ кетайлик.

Тўрни қирғоққа чиқариб дастакка ўрай бошлаган, баъзилар сувдан чиқмай қамишлар орасини пайпаслаётган, яна кимлардир шиддат билан оқайтган сувдан баданидаги лойни ювиб кетказётган паллада қирғоқдаги болалардан бири ўзини сувга отиб ўртага қараб эгчилик билан суза бошлади. Унинг кичкина гавдаси катта тўлқин ҳосил қилиши худди сувни ёриб сузаётган моторли қайиқни эслатарди. Аввалига ҳамма хангу манг бўлиб қолди. Кейин бирданга қий-чўв кўтарилди.

— Ка-а-айт орқанга! Ка-а-а-айт! Олдинда илон бор! Ило-о-он!

Болақай сувнинг шовқиндан орқадан келаятган қақирқиларни ё эшитмади, ё парво қилмади. Фойдасиз бўлса ҳам бақир-чақирлар тин-

май турди. Билдиларки, сузаётган «индамас бола» эди.

— Уни соқов десак, қулоғи ҳам оғир шеклли... Шунча шовқинни эшитмаяпти?

— Кўзи жойидами ўзи? Олдидаги илонни нега кўрмайпти?

— Ақли жойида эмасга ўхшайди.

Ўқловдай келадиган сув илони жон-жаҳди билан сузар, бола ҳам ундан қолишмасди. Бола илонни қувиб етиб думидан ушлаганида, қирғоқдаги шовқин тинчиб-қолди. Иккилару тарбиячилар илонни думидан ушлаб соллантириб келаятган болдан ўзини четга олиб: Менга яқинлаша, нари кет! — деб ялинишарди.

— Уни нима қилмоқчисан? — сўради бошлиқ қўрқанини сездирмай.

«Индамас» индамади. Кийимларини қўлтиқлаб машина томон ўтиб кетди. Бола машина бортига чиқиб нима биландир машғул бўлди.

— Тоғам келгунча асраб боқаман, кейин унга сотаман, — деди савол назари билан тикилиб турган бошлиқнинг гапини энди англагандек гўё. Болани масҳара қилган, унга дашном берганлар унинг қўлидаги илондай типирчилаб қолишди...

Шундан кейин оромгоҳда «довжорак бола» ҳақидаги гаплар қулоқдан қулоққа ўтиб, гужумлар оралаб чор томонга ёйилиб кетди. Бўйдор болалар, оромгоҳнинг турли «қаҳрамон»лари энди «индамас»га ич-ичидан ҳавас қилишар, унингдек қўрқмас бўлолмаслигини, тирик илонни ушлашга юраги дов бермаслигини ботиний иқрор ила тан оларди. Ўша воқеадан сўнг гужумлар соя ташлаб турган болалар гавжум бу маскандан «индамас» бола қочиб кетгану унинг ўрнига ҳеч қандай хавфдан қўчимайдиган, аммо ташқи кўриниши «индамас»га ўхшайдиган довжорак бола келгандек эди гўё.

Махмуд РАЖАБ

2017-yil 6-sentabr, № 71 (9032)

Зўрлардан зўр чиққан ўзбек ўғлонлари

Германиядан юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келди

Хабарингиз бор, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Германиянинг Гамбург шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги жаҳон чемпионатида 1 олтин, 3 кумуш ва 2 бронза медал ҳамга қўшиб, умумжамоа ҳисобида фахри 2-ўринни эгаллади.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида терма жамоамизни вазирилк ва идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, спорт мухлислари тантанали равишда қарши олди.

Кувонарли томони шундаки, ўзбек ўғлонларининг мазкур тарихий ғалабаси жонажон Ўзбекистонимизда исталган майдонда ва исталган рақибга қарши ўз кучи ва салоҳиятини намойиш этишга қодир чемпионлар авлоди камол топганини яна бир карра исботлади. Бунинг учун ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етуқ бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шугулланиб, юксак марраларни забт этиши учун кенг шароитлар яратилганига дунё ахли яна бир бор иқроқ бўлди.

Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, мусобақда жаҳоннинг 85 давлатидан энг сара 280 нафар боксчи рингда медаллар учун чинакам курашди. Ана шундай мураккаб ва кучли рақобат майдонда Ўзбекистон бокс мактаби салоҳиятини намойиш этиб, зафар кучган йигитларимиз минглаб ёшларга намуна бўлмоқда.

Хусусан, олимпиада кумуш медали соҳиби Шахрам Ғиёсов олтин, олимпиада чемпиони Ҳасанбой Дўсматов ва иқтидорли боксчиларимиз Иқболжон Холдоров ҳамда Жасурбек Латипов кумуш, Санжар Турсунов ва Бектемир Мелиқўзиев бронза медални қўлга киритди. Айтиш жоизки, боксчиларимиз бундан ҳам яхшироқ натижаларни қўлга киритишга қодир эканини барча кўрди. Жумладан, Ҳасанбой Дўсматов, Бектемир Мелиқўзиев, Исроил Мадримов каби



йигитларнинг мушти рақибларнинг эсидан чиқмайдиган бўлди.

Аммо бу сафар Шахрам Ғиёсовни тўхтатиб бўлмади. У рингда чинакамга музаффар бўлди. Рақибини ҳакамлар кўзи олдида дўппослади, томошабинлар ўрнидан туриб, ўзбек ўғлонини олқишлади. Хатто ижтимоий тармоқларда унга «тилла бола» дея таъриф берувчилар кўпайиб кетди. Офарин, Шахрам!

Хабарингиз бор, Шахрам Ғиёсов номини ўтган йили Бразилияда бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларида билиб олгандик. Ушандаёқ етакчи мутахассислар жаҳон боксиде янги ном пайдо бўлаётганини таъкидлашди. Бир йил ўтиб ана шу башоратлар ўзини оқлади. Қизик томони шунки, 2009 йилдан бери боксчиларимиз жаҳон чемпиони бўла олмаётгани. Ниҳоят, саккиз йилдан сўнг ана шу нохуш аънаъанга барҳам берилди.

Келинг, Шахрамнинг ғалабагача бўлган рақибларини эслайлик: дастлаб украиналик Евгений Барабанов-

ни биров қийинчилик билан енгди. Кейин англиялик Пэт МакКормакдан яққол устун келди. Сўнгра жуда кўп марта йўлимизга тўғаноқ бўлувчи жамоа — Қозоғистон бокс мактаби вакили Аблайхон Жусупов устидан ғалаба. Шахрам 20 ёшли рақибини ранжитмаган ҳолда мағлубиятга уратди. Яқунда мардларча қўл бериб, омад тилашни ҳам унутмади.

Ниҳоят, финалга ҳам етиб келди. Хал қилувчи жангда у чемпионатда умумжамоа ҳисобида 1-ўринни олган Куба мактаби тарбияланувчиси Рониель Иглесиасга қарши рингга чиқди. Шахрам учун бу ҳолат таниш: ё борингни тўқиб, ғалаба қозонасан ёки кумуш билан чекланиб, кейинги чемпионатни муштоқ қўтиб яшайсан.

Буни ич-ичидан ҳис этган қаҳрамонимиз ўзи учун ҳам, сал олдин айнан кубаликларга енгилган, қолаверса, баҳолашдаги ноҳилисликлар туфайли кумушга лойиқ кўрилган жамоадоллари учун ҳам реванш олишга аҳд қилди. Бу аҳд унинг муштларини янада қаттиқ қилди, янада тезлаштирди.

Бундай тезкор, ошқора ва тажовузкор ҳужум услубида жанг қилувчи боксчининг зўрлигини ҳакамлар тугул, кубаликларнинг ўзи ҳам инкор этолмасди. Яқуний ҳисоб — 5:0. Ўзбекистонлик спортчининг қўли баланд кўтарилди.

...Мана шундай таъриф ва ҳаяжонли сўзларни бошқа совриндор боксчиларимизга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Мухими, боксчиларимиз интиланган, ўз устида ишлаган, ватанпарвар бўлган спортчи ҳар қандай йирик мусобақога ҳар қандай кучли рақибдан ҳайқимаслигини, аксинча ҳайрату салобати билан бошқаларда кўрқув уйғотишини кўрсатиб қўйди. Дунё ахли яна бир карра жусаси офтобда пишган, бугдойранг ўзбек ўғлонларининг муштуми зарбини кўрди, ҳис этди, қўйил қолди.

Зоҳиджон ХОЛОВ, «Ma'rifat» мухбири



ФУТБОЛЧИДАН НООДАТИЙ СИЙЛОВ
Германия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Сами Хедира кам таъминланган ва нотиқ оилаларда улғаяётган 1200 болага ўз ҳисобидан чипта олиб бергани ҳақида «Deutsche Welle» хабар тарқатди.

Футболчи мазкур хайрияга Германия ва Норвегия терма жамоалари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати саралаш турнири учрашуви арасида қўл урди. Уйин Самининг туғилиб ўсган шаҳри — Штутгартдаги «Mercedes Benz Arena»да бўлиб ўтди.

Немислар учрашувда рақибларини 6:0 ҳисобида енгди. Бундестим айна пайтада «С» гуруҳида 24 очко билан етакчилик қилмоқда.

24-РАҚАМ 4-РАҚАМГА ҚАРШИ
АҚШ очик чемпионатининг нимчорак финалида аргентиналик теннисчи Хуан Мартин дель Потро австриялик Доминик Тимни мағлуб этди, дея хабар берди «ТАСС».

Нью-Йорк шаҳрида давом этаётган ютуқ жамғармаси 50,4 млн долларга тенг турнирда Хуан рақибни устидан иродали ғалабага (1:6, 2:6, 6:1, 7:6 (7:1), 6:4) эришди. Эътиборлики, Хуан ушбу турнир рўйхатида 24-, Тим эса 6-ўринда қайд этилган.

Энди у чорак финалда мусобақанинг 4-рақамли теннисчиси, швейцариялик Рожер Федерерга қарши қортак чиқди. Рожер германиялик Филипп Колшрайберни (6:4, 6:2, 7:5) енгди.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ЖАНГИ
Собик жаҳон чемпиони, британиялик Дэвид Хэй 2018 йилда WBA, IBF ва IBO бўйича чемпионлик камарлари соҳиби, суперчемпион Энтони Жосуага қарши рингга чиқмоқчи.
«ТАСС» манбасида келтирилишича, у Жосуагача бўлган жангини шу йилнинг декабрида суперогир вазнли рақибга қарши ўтказишни кўзлайтипти. Кейин навбат Жосуага келади. Д.Хэй қарийб тўрт йиллик танлафусдан сўнг 2016 йилда яна бокс оламга қайтиб, икки бор ғалаба қозонган ва бир марта мағлубиятга учраган. Аниқроғи, ҳамюрти Тони Бель билан муштлашувда оёғидан жароҳат олиб, жангни давом эттиролмаганди.

Жосуа эса охириги баҳсида украиналик Владимир Кличконинг техник нокаутга учратди ва мағлубият билан спортчи бўлиб турибди.

ЭНДИ «MERCEDES» ЕТАКЧИ
«Формула-1» бўйича Италияда ўтказилган Гран-при мусобақасида «Mercedes» жамоаси етакчиси, британиялик Льюис Хэмилтон ғалаба қозонди, дея маълумот берди «Лента».

Кейинги ўринни ҳам «Mercedes» жамоаси вакили, фин пойгачиси Валттери Боттас банд этди. Кучли учликни «Ferrari» жамоасининг германиялик юлдузи Себастьян Феттель тўлдириди.

Италияда қозонилган ғалабасидан сўнг Хэмилтон умумий ҳисобда «Формула-1»нинг жорий мавсумдаги етакчисига айланди. Энди унда 238 очко бор. Феттель ундан 3 очко ортда қолмоқда.

Навбатдаги мусобақа 15—17 сентябрда Сингапурда ўтказилади.

АЗАР ЎЗ БАҲОСИНИ АЙТДИ
Лондоннинг «Челси» клуби ва Бельгия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Эден Азар Неймарнинг рекорд даражадаги трансфери ҳақида ўз фикрини билдирди.

«Goal.com» нашрида қайд этилишича, у бразилиялик футболчиға берилган нарҳдан кўра анча қимматроқ эканини айтган: «Баҳом қанча эканини билмайман. Эқтимол 300 миллион евродир? Бу ерда бозор шароитини ҳисобга олиш керак. Неймар — бразилиялик, имкониёти кенгроқ, мендан бир ёш кичкина ва «Барселона»да ўйнаган. Трансфер баҳоси шартнома ва ҳоқазоларга ҳам боғлиқ. Кўрамиз, иш менинг трансферимгача борса, нарҳим ойдинлашади».

26 яшар Азар «Челси»да 2012 йилдан бери тўп тепмоқда. «Transfermarkt.de» порталида ёзилишича, унинг трансфер баҳоси 75 миллион евродан ошмайди. «Барселона» эса Неймарни аллақачон «ПСЖ»га 222 миллион еврога сотиб олгурди.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

Аёллар спорт фестивали

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хотин-қизлар ўртасида «Соғлом она — соғлом бола» ширини остида аёллар спорт фестивалини ўтказди.

Унда маҳаллалардаги ёши 25 дан юқори бўлган уй бекаларидан иборат хаваскор жамоалар волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш ва гимнастрада бўйича яққаллик ва жамоавий баҳсларда беллашди.

Хусусан, мазкур фестивалнинг Тошкент вилояти боксчи Зангиота туманида ўтказилди. Анъанавий фестивалда бу йил 400 га яқин хотин-қиз иштирок этди.

— Мамлакатимизда хотин-қизлар спортини ривожлантириш, уларнинг интилиши ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил ишлар натижасида спорт билан шугулланувчи аёллар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда, — деди вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Файзиёва. — Мухими, бунинг учун вилоятимизда кенг шароит яратилган. Яқуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида Зангиота ва Чиноз туманлари ҳамда Бекобод шаҳри вакиллари кучли ўқилдан жой олди. Шунингдек, «Ғалабага бўлган иштиёқи учун», «Энг латофатли жамоа», «Энг маҳоратли жамоа», «Энг интилувчан жамоа» ва «Энг шиддатли жамоа» номинациялари бўйича ғолиблар тақдирланди.

Андажонда ўтказилган аёллар спорт фестивалининг вилоят босқичида 16 жа-

моа ўзаро баҳслашди. Фестивалнинг маҳаллалар, меҳнат жамоалари, туман ва шаҳар босқичларида қарийб 90 минг хотин-қиз қатнашди.

Андажонда мингдан зиёд малакали аёл мураббий самарали фаолият кўрсатмоқда. 25 мингдан зиёд хотин-қиз спорт билан мунтазам шугуллангани, 120 мингга яқини эса оммавий спорт турларига жалб этилган.

Яқунда Марҳамат тумани вакиллари умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Избоскан ва Олтинқўл тумани жамоалари 2- ва 3-ўринни банд этди.

Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган аёллар спорт фестивалида 11 жамоа таркибида 230 дан зиёд хотин-қиз ўз маҳоратини намойиш этди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалнинг кўйи босқичларида эса 2 мингдан зиёд аёл иштирок этди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 700 дан ортиқ оммавий спорт тадбирлари ўтказилиб, унда болалар ва хотин-қизлар иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Жамоавий баҳсларда Сардоба тумани енгил атлетика бўйича, Ширин ва Гулистон шаҳарлари жамоалари волейбол ҳамда гимнастрада бўйича 1-ўринни эгаллади. Янгирлик Нодира Абдуллаева ва шахмат, Гулистон туманидан Халима Жумабоева дартс, Мирзобод туманидан Динара Мамажанова стол тенниси бўйича ғолибларни қўлга киритди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, Муниса ҚОСИМОВА

Бразилиянинг Сан-Пауло шаҳрида 21—31 август кунлари шахмат бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Ёш шахматчиларимиз муваффақияти

Унда Ўзбекистон шарафини Одина Олимова, Афруза Хамдамова (8 ёшгача қизлар), Хумоюн Бекмуродов (8 ёшгача ўғил болалар), Гулдона Каримов (10 ёшгача қизлар), Исломбек Синдоров (10 ёшгача ўғил болалар), Мафтуна Бобомуродова (12 ёшгача қизлар) ва Жавоҳир Синдоров (12 ёшгача ўғил болалар) каби ёш шахматчиларимиз ҳимоя қилди.

Сайёрамизнинг қирқдан ортиқ давлатидан келган тўрт юзга яқин шахматчи иштирок этган чемпионатда вакилларимиз яна бир бор ўз сўзини айтди. Хусусан, Афруза Хамдамова ва Жавоҳир Синдоров кумуш, унинг укаси Исломбек Синдоров эса бронза медални қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон вакиллари фахри 2-ўринни эгаллади. Бу бордада 1-ўрин америкаликларга (7 медал), 3-ўрин хитойликларга (1 олтин, 1 бронза) насиб қилди.

МУХБИРИМИЗ

